

Иш жойида ўз вазифасини бажарётган вақтда вафот этган шахсга ўша корхона зарар тўлаб беради. Марҳумнинг қайси оила аъзолари бундай тўловни олиши мумкин?

7
бет

Энди, олдий фаррошликка ишга кириш учун 300 АҚШ доллари бериши эшитиб, А.Тожиёв ҳайрон бўлган, бу хабарни эшитган фаррошликка номзоднинг аҳолини тасаввур қилаверинг.

8
бет

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2012-yil 9-avgust, №32 (813)



Ифтихор

Инсон манфаатлари ва юрт фаровонлиги йўлида

Республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, суд-ҳуқуқ ислохотлари демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги муҳим омилидир. Мазкур ислохотлар негизини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда уларни ҳар қандай қўрилишдаги таъвоулардан ҳимоя қилиш, энг аввало, инсон ва унинг ҳуқуқларининг олий қадрият дея эътироф этилиши ташкил этади.

Навоий вилоят прокуратураси органлари томонидан 2012 йилнинг биринчи ярми мобайнида вилоят ҳудудида қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий, сиёсий ва криминал вазиятни барқарорлаштириш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Мазкур йўналишда асосий эътибор фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатда ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, маънавиятни юксалтиришга қаратилган қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари, Республика Бош прокуратураси кўрсатма ва топшириқлари, шунингдек, вилоят прокуратурасининг иш режалари асосида олиб борилди.

Прокуратура органларининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида маълум ишлар амалга оширилди. Бу соҳада асосий эътибор фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, мамлакат иқтисодий асосини янада мустаҳкамлашга, бозор муносабатлари иштирокчиларининг мулквий ҳуқуқларини муҳофазалашга, уларнинг ҳўжалик ҳуқуқий алоқалари-

ни такомиллаштиришга қаратилди.

2012 йилнинг 1-ярмида қонунларнинг ижро этилиши масалаларида 129 та текшириш ўтказилиб, натижасига кўра 1227 та прокурорлик назорати ҳужжатлари қўлланилган. Хусусан, 42 та жиноят иши қўзғатилди, 202 нафар шахс маъмурий, 246 нафари интизомий жавобгарликка тортилди. 122 та тақдимнома, 124 та протестлар киритилиб, 141 нафар шахс расман огоҳлантирилди, корхона, ташкилот ва ҳўжаликларга етказилган 41 млн. 134 минг сўм зарарлар ихтиёрий ундирилиб, 1 млрд. 134 млн. 932 минг сўмлик зарарни ундириш мақсадида судларга 405 та даъво ариза киритилди. Назорат тадбирлари натижасида 649 нафар шахснинг бўзилган ҳуқуқлари тикланди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида ҳўжалик судига давлат, қишлоқ ҳўжалик корхоналари, деҳқон, фермер ва тадбиркорлар манфаатини кўзлаган ҳолда 312 млн. 168 минг сўмлик 54 та даъво аризаси киритилиб, шундан 233 млн. 392 минг сўмлик 26 та даъво аризалари мазмунан қўрилиб, қаноатлантирилган, 78 млн. 776 минг сўмлик даъво аризалари қўриб чиқилмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан иш ҳақларининг ўз вақтида тўлинишига оид ҳукуматнинг 1999 йил 17 ноябрдаги 504-сонли ва 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли қарорлари ижроси-

нинг таъминланиши аҳоли ўрганилганда, қатор қонунбузилишлар аниқланди. Хусусан, ҳужжатларни сохталаштириш орқали Нурота туманидаги 13-сонли мактабгача таълим муассасаси мансабдор шахслари томонидан 2,5 млн. сўм, Хатирчи туманидаги 6-сонли болалар мусика ва санъат мактаби мансабдор шахслари томонидан 11,3 млн. сўм, Нурота туманидаги 21-сонли мактаб мансабдор шахслари томонидан 12 млн. сўм ва Навбахор туманидаги "Истиқлол" саноат касб-ҳўнара коллежи мансабдор шахслари томонидан 19 млн. сўм ўқитувчиларга иш ҳақи сифатида тўланиши лозим бўлган бюджет маблағлари талон-торож қилинганлиги аниқланиб, ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилди. Ҳозирда мазкур жиноят ишлари юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Президентимизнинг "Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарлари масъулиятини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари ижроси юзасидан текширишлар ташкил қилинганда, баъзи ҳўжалик раҳбарлари томонидан мазкур фармон талаблари қўпол равишда бузилиб, айрим мансабдор шахсларнинг ўзларига юклатилган вазифаларга масъулиятсизлик билан қараганликлари аниқланиб, натижасига кўра 4 та тақдимнома киритилди, 1 та жиноий ва 7 та маъмурий иш қўзғатилди. Судларга 50 млн. 882 минг сўмни ундириш ҳақида 11 та даъво аризалари киритилди.

[Давоми 4-5-бетларда]

Парламентда

Мамлакат ташқи сиёсий фаолияти концепцияси тасдиқланди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида навбатдаги мажлис бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини қўриб чиқдилар.

Концепция Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва парламентга Давлат раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибидан киритилган.

Ҳужжатда ҳозирги халқаро муносабатлар тизимидаги ўзгаришларга Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари нуктаи назаридан баҳо берилган. Унда давлат ташқи сиёсатининг асосий мақсади, принциплари, вазифалари, шунингдек, устувор йўналишлари белгилаб берилган. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолиятини шакллантириш жараёнлари ва уни амалга ошириш механизмлари очиқ берилган.

Концепция қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Қонунга ва давлатимизнинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига асосланганда ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва принципларига, шу жумладан, БМТ Уставида, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияга ва Европада

хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Хельсинки яқунловчи актига мос келади.

Конституцияга, "Мудофаа тўғрисида"ги Қонунга ва Харбий доктринага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари фақат давлат суверенитети ва мамлакат ҳудудининг яхлитлигини ҳимоя қилиш, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини асраш мақсадидагина тузилади ҳамда хориждаги тинчликпарварлик операцияларида иштирок этмайди.

Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари ва сиёсий партиялар фракцияларининг ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг мажлисларида кенг ва ҳар томонлама муҳокама қилинди.

Концепцияда таъкидланганидек, Ўзбекистон минтақадаги барча экологик муаммолар ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, амалий мулоқот ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳал этилишини ёқлайди.

Батафсил муҳокамадан сўнг Қонунчилик палатаси "Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди. Мазкур ҳужжат қўриб чиқиш учун Олий Мажлис Сенатига юборилди.

Ўз муҳбиримиз

Имкониятлар ташаббусга чорлайди

Мамлакатимизда тадбиркорликни, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай муҳит яратилган. Бу боралда бир қатор қонунлар, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорлари қабул қилинган.

Яратилган қўлай шaroитлар натижасида кейинги йилларда Иштихон туманида ҳам бирталай саноат корхоналари вужудга келди. Хусусан, ўтган йилда пишиқ гишт ишлаб чиқарадиган "Тайлоқ универсал сервис" масъулияти чекланган жамияти, полистилен қувурлар ишлаб чиқарадиган "Зафар Қўбаев" хусусий корхонаси, қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган "Сўхроб Нуриддин" хусусий корхоналари ишга туширилган бўлса, бугунги кунда Хитой технологияси асосида пишиқ гишт ишлаб чиқарадиган яна битта корхона — "Митан қурилиш ашё" масъулияти чекланган жамиятининг заводини ишга тушириш ишлари олиб борилмоқда.

[Давоми 3-бетда]

Ҳам энидан, ҳам бўйидан...

бензин сотиш билан шугулланган хусусий фирма мутасаддиларининг кирдикорлари хусусида

Азалдан табдиркор, ишбилармон кишиларни қадрлайдиган халқимиз. Халол меҳнати орқасидан кун қўриб, рўзғор тебратётганлар ҳамма даврларда ҳам эл ҳурмати сазовор бўлишган. Айниқса, мустақиллик туфайли бундай инсонлар табдиркорлик билан эмин-эркин шугулланиш имкониятига эга бўлишди. Хусусий мулк дахлсизлигининг қонун билан мустаҳкамлаб қўйилиши эса бугунги кунга келиб, улар сафининг янада кенгайишини таъминлади. Ҳақиқий табдиркорлар халқ хўжалигининг барча соҳаларида ватанимиз иқтисодиётини юксалтириш йўлида фидойилик кўрсатиб, меҳнат қилмоқдалар. Аммо улар орасида бундай касб-корга муносиб бўлмаган нопок шахсларнинг ҳам учраб туриши афсусланарли ҳол. Баҳодир ва Мурод Саидовлар ҳам шундайлар сирасидан экан. Уларнинг иш фаолиятида «халоллик» деган тушунчага буткул путур етганда, қонун ўз сўзини айтди.

2005 йилда ташкил топган «Улуғбек» хусусий корхонасига 2008 йилдан бошлаб Баҳодир Саидов раҳбарлик қила бошлади. Аксининг ўғиллари-га бош-қош бўлаётган Б.Саидов виллят ДСБ ҳамда «Ўздав-нефгазинспекцияси» Бухоро ҳудудий бўлими томонидан қисқа муддатли текшириш ўтказилишини эшитганида ўзини қўярга жой топа олмай

қолди. Бўйида иллоти бор-нинг оёғи қалтирайдиган, деб бежиз айтишмайди.

АЁҚШдаги сигимларда сақланаётган нефт маҳсулотларининг ҳақиқий миқдори, ёнил-ғи тарқатиш ускунасида ҳар 20 литрдан 370 грамм кам қўйилишини, дизел ёнилғиси умуман сотилмаганини у жуда яхши биларди. Табдиркорлик фаолиятини юритиши учун давлат томонидан яратилаётган имкониятларни ўз манфаати йўлида суистеъмол қилаётгани кўрнамалик эканини ҳам тушуниб турарди. Нодон хатога йўл қўйса, билимсизлиги панд берди, дейсиз. Аммо қонунлар талабини англаб туриб, қонунбузилишига йўл қўйган кишининг аҳолига афсусланасан киши. Текширишларда унинг кирдикорлари аён бўлди.

Нефт ва газ маҳсулотлари асосан Бухоро нефт базаси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Жарқўрғон нефт заводи, «Шуртангаз» ва унинг филиалларидан сотиб олинган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хомашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишнинг давом эттириш тўғрисида»-ги Қарорига зид равишда фаолият олиб борилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 майда 1346-сонли

Жаҳонгир ХОТАМОВ,
Бухоро виллят прокуратураси
бўлим бошлиғи

тартиб рақами билан рўйхатга олинган «Биржа савдоларида автомобил бензинини сотиш тартиби тўғрисида»-ги вақтинчалик Низомга асосан, биржа савдолари орқали сотиб олинган нефт маҳсулотларининг қайта сотилиши тақиқланган бўлишига қарамасдан, 2009-2011 йиллар давомида жами 2 млрд. 42 млн. 647 минг сўмлик АИ-80 маркали автобензин фирма томонидан сотиб юборилган. Хусусий фирма мутасаддилари бензин билан бирга, жўмрақлардан «оқиб келаётган» фойдага берилиб, ҳам энидан, ҳам бўйидан уриб қолиш қабилда иш юритишган.

Бундан ташқари, фирма раҳбари Б.Саидов ҳам агар моддий манфаатдор бўлмаганида, молиявий ҳужжатларга шунчалик имзо қўйиб юбора-вермас эди. Йиллар давомида мисқоллаб йиғилган обрў, одамларин алдаб, қонунларга чап бериб топилган бойлик тарозининг бир палласида, иккинчи томонда қонун талаби-ю, виждон имтиҳони... Адолат посонгиси қайси томонни оғир қўрсатади, деб ўйлайсиз? Албатта, иккинчи палла томон босаяпти. Жиноятга жазо муқаррар. Қилмишга яраша қонуний баҳо эса энг одил ҳулосадир.

Ҳуқуқбузарликнинг асосий ва энг яққол белгиси ҳуқуққа зил-илгилдир. Таъқиқотчиларнинг фикрича, қонда бўйича ҳуқуқбузар қонундан четга чиқса, яъни у муайян юридик мажбуриятни бузади ёки жамият манфаатларини менсимай ҳуқуқни суистеъмол қилади. Ҳуқуқбузарлик ҳуқуқ нормаларининг оддий бузилиши эмас, балки қонун нормаларида қайта этилган ҳаётий шароитларга таҳлил солишидир.

Қонунни менсимагани учун

Сардор ШОДИЕВ,
Ғиждувон туман прокуратори ёрдамчиси-иш ўргатувчи

Давлат талаб этадиган лозим даражадаги ҳуқуқ-автордан четга чиқадиган қилмишлар ҳуқуққа зид бўлади. Шундай қилиб, давлат лозим даражадаги ҳуқуқ-авторга зид бўлган у ёки бу қилмишни ман этади. У ёки бу қилмишни ман этиш-ни давлат бу тоифа қилмишлар содир этилган ҳолларда ҳуқуқ нормаларида мавжуд санкция воситалари орқали амалга оширади.

Б.Неъматов муқаддам бир неча маротаба судланиб, жазони озодликдан маҳрум қилиш жойларида ўтаб чиққан. Охириги марта Шофиркон туман судининг 2006 йил 5 январдаги ҳукми билан ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми "а" бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, ЖКнинг 59-моддасига асосан олдинги ўталмаган жазоларни қисман қўшиб, 3 йилу 9 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган. 2008 йил 14 майда ЖКнинг 73-моддасига асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод этилган. 2009 йил ҳамда 2010 йил ноябрь ойига қадар бир маротаба, яъни белгиланмаган жойларда спиртли ичимлик истеъмол қилганиги учун жазога жазосига ва милиция ҳо-димларининг талабларини ба-жармасдан майда безорилик

содир этгани учун 3 сутка маъмурий қамоқ жазосига тортилган. Шундан сўнг 2010 йилнинг 25 ноябрида жиноят ишлари бўйича Ғиждувон туман судининг қарори билан унга нисбатан 6 ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилган.

Ички ишлар бўлими раҳбарияти ва профилактика но-зири томонидан унга бу чек-ланишларга амал қилиш шарт-лиги таъкидланиб, тушунти-риш ва огохлантириш хатла-ри ёзиб олинган. Дастлаб ушбу чекланишларга тўлиқ амал қилиб, белгиланган вақт-да ички ишлар бўлимига бо-риб рўйхатдан ўтиб турган Б.Неъматов кейинчалик бу та-лабдан бўйин товланди.

Турмуш ўрғотгани билан на-фар ёш фарзанди билан Фар-ғонага жўнатган Б.Неъматов унинг ортидан ўзи ҳам водий-га йўл олади. Аммо бу сафа-ри ҳақида ички ишларни ҳам, маҳаллани ҳам огохлан-тирмайди.

Ўзига тегишли ҳулоса чи-қармасдан суднинг қарорига асосан ўрнатилган маъмурий назорат қоидаларини бузган Б.Неъматов Жиноят кодекси-нинг 226-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилиб, ойлик иш ҳақининг 30 фоизи-ни давлат даромадига ушлаб қолиш шартли билан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазосига тортилди.

Қўштирноқ ичидаги табдиркорлик

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳи-ятини мустаҳкамлашда табдир-корлик фаолиятининг ўз ўрни бор. Бироқ, хусусий бизнес соҳасида но-соғлом рақобат муҳитини тудираётган, кон-трабанда йўли билан товар олиб келаёт-ган ёки ҳуфиёна ишлаб чиқариш билан шу-ғулланаётган сохта табдиркорлар ҳам бор-ки, улар иқтисодиётимизга зарар етказмоқ-далар. Ҳуфиёна иқтисодиётга қарши кура-шиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом рақо-батни кучайтириш бўйича мунтазам табдир-лар ўтказилиб, яширин ишлаб чиқарувчи-лар фаолиятига барҳам берилмоқда.

Бу борада СВОЖДЛҚК Департаменти-нинг Шўрчи туман бўлими томонидан ҳам муайян чора-табдирлар олиб борилмоқда. Жумладан, яшаш уйининг ёрдамчи ҳўжа-лигида электр энергиясига уланиб, қўлбо-ла усулда ясалган мойжувоз ускунаси ёрда-мида чигитдан ёғ ва қунжара маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шугулланиб келган Шўрчи тумани «Жойилма» маҳалласида яшовчи фуқаро Ж.Абдурахмоновнинг но-қонуний фаолиятига чек қўйилди. Маълум бўлишича, у электр тармоқлари корхона-сига 245,9 минг сўмлик зарар етказган экан. Ҳодиса жойидан 1 дона мойжувоз ускуна-си, 525 кг чигит, 253 кг қунжара, 70 кг мой ва бошқа ёрдамчи воситалар ашёвий да-лил сифатида олиб қўйилди.

Ашёвий далилларнинг келиб чиқиш ман-басини аниқлаш мақсадида олиб борил-

Хуршид МҲМИНОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Шўрчи туман бўлими бошлиғи

ган тезкор суриштирув ҳаракатлари нати-жасида 19,8 тонна уруғлик пахта чигити-ни 2012 йил 15 март куни «Жарқўрғон пахта» ОТХЖдан «Шўрчи пахта» ОТХЖга қарашли «Миршод» пахта қабул қилиш маскани ишчи Б.Абдуразақов қабул қилиб олиб, 600 килограммини фуқаро-лар Т.Ҳасанов ва Ж.Абдурахмоновларга со-танганини аниқланган.

Жарқўрғон туман «Дўстлик» маҳалласи-да яшовчи фуқаро А.Ахунжанов ҳам уйи-нинг ёрдамчи ҳўжалигида электр энергия-сига ноқонуний уланиб, қўлбола усулда ясалган мойжувоз ускунаси ёрдамида чи-гитдан пахта ёғи ва қунжара ишлаб чиқа-риш билан шугулланиб келаётганлиги аниқланиб, 1 дона мойжувоз ускунаси, 550 кг чигит, 925 кг қунжара маҳсулоти ва бош-қа ашёвий далиллар олиб қўйилган.

Виллят синов ва сертификатлаштириш марказининг ҳулосасига кўра, чигитдан олинган маҳсулотлар давлат стандарти та-лабларига жавоб бермаслиги, ёғ маҳсулот-лари эса одам организмига катта зарар етказиши аниқланган.

Маъжур ҳолатлар юзасидан ҳуқуқбу-зарларга нисбатан ЖКнинг тегишли модда-лари билан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланган.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жа-мияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган изчил ислохотлар жара-ёнида инсон қадрини улуғлаш ва уни ҳуқуқий ҳимоя қилиш асосий ме-зонлардан бири ҳисобланади. Мустақиллик даврида халқимизнинг аза-ли қадрият ва аъёнлари эътиборга олинган ҳолда, фуқароларни ижти-моий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг жамияттаги ўрни, иштироки ва маъқенини ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Қабристондаги «ишбилармон»

Баҳодир АҲМЕДОВ,
СВОЖДЛҚК Департаменти бош суриштирувчиси

Шўнинг баробарида ажодлар руҳини шод этиш, халқимиз урф-одатларини сақлаб қолиш, миллий аъёнларимизни кейинги авлодларга етказиш бўйича ҳам қатор қонунчилик асослари мус-таҳкамланмоқда. Шу муносабат билан, 2010 йил 27 декабрда «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилин-ди. Бу ҳужжат марҳумларни дафн этиш ва дафн ишларини тартибга солиди.

Бироқ, яқинидан айланиб, гамдан бели букилиб, қабристонга келган одамларни ҳам алдов йўли билан «шилиш»дан тоймайдиган фирбирлар топила-р экан. Жумладан, Абдор Хотамов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) биз таъбиридан келтирган тоифага мансуб. У Тошкент шаҳар ҳокимиятига қарашли Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси Олмазор тумани қаб-ристон хизмати бўлими устаси бўлиб ишлаб келиб, яқинини охириги манзилга кузатиш учун келган фуқаро Ш.Исмомовни қармоғига илтифрати-ди.

А.Хотамов қабристонларда сағана қуриш учун рўхсатнома бериш вако-лати бўлмаса-да, Ш.Исмомовга Олмазор туманида жойлашган «Сағбон» қабристонидида сағана қуришга рўхсатнома олиб беришни ваъда қилади. У бу ишга савоб учун ёки ҳоҳатбарорликдан эмас, нафсининг ҳўмки билан қиришган эди. Яхшики, унинг бу гараз нияти амалга ошмай қолди. Фи-рибгар фуқаро Ш.Исмомовдан 420 минг сўмни олаётган вақтида Бош про-куратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаментининг тезкор ҳодимла-ри томонидан қўлга олинди.

Нафс қўйида қабристондек жойда инсонлар ишончини суистеъмол қилиб пул олишдан тап тормаган «ишбилармон» жиноий жавобгарликка тортил-ди. Суд томонидан А.Хотамовга нисбатан тегишли жазо белгиланди.

Имкониятлар ташаббусга чорлайди

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш шохобчалари ташкил этиш борасида катта қўрилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида туманда 12 та маиший хизмат ва сервис объекти ишга туширилиб, бу объектлардаги 5 та хизмат кўрсатиш шохобчаларида 120 дан зиёд янги иш ўринлари барпо этилиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, тадбиркорлар томонидан нон, макарон ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва мебел ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилди.

Республикада экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, экспорт қилувчи маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга кенг қўламдаги имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар тизими яратилиб, қўлай инвестициявий муҳит шакллантирилган.

Президентимизнинг жорий йилнинг 10 апрелдаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хорижий инвесторларга қўлайликлар ва имтиёзлар қўламини қучайтиришга қаратилган "Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция-

лар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида республикаимиз ҳудудларида чет эл инвесторларини жалб этиш ва экспорт ҳажминини кенгайтиришга катта эътибор қаратилган.

Ушбу Фармон билан хорижий инвестор ва хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар учун ўрнатилган асосий кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар рўйхати, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишида имтиёз бериладиган иқтисодиёт тармоқлари рўйхати белгилаб қўйилди.

Худди шунингдек, хорижий инвесторларнинг, улар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чекловчи, уларнинг фаолиятига нуқсонли аралишми ҳолатларини қатъиян бартараф этиш кўзда тутилди.

Шундай муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлардан яна бири Президентимизнинг 2012 йилнинг 26 мартда "Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни қучайтириш ва ракоббатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида" қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Маъзур қарорда экспорт қилувчи корхоналарга бериладиган имтиёзлар, маҳсулотларни стандартлаш ва сертификатлаш, санитария-эпидемиология

назорати ва божхона расмийлаштируви, декларациялаш ишларини янада соддалаштириш, ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш фаолиятини амалга ошираётган ҳамда экспорт фаолияти билан шуғулланмаётган саноат корхоналари рўйхатини шакллантириш, аниқланган рўйхат асосида экспорт фаолиятини амалга ошираётган саноат корхоналарида экспорт ҳажминини қўлайтириш, шунингдек, экспорт фаолияти билан шуғулланмаётган саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспортга йўналтиришни рағбатлантириш, корхоналарнинг ички резерв ва имкониятларини таҳлил қилиб, улардан самарали фойдаланиш кўзда тутилди.

Яратилган қўлай инвестициявий муҳит натижасида бугунги кунда республикада 4200 дан зиёд хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу корхоналарнинг маҳсулот экспорти ва тайёр маҳсулотларнинг улушидаги салмоғи йил сайин ортиб бормоқда.

Иштихон туманида жорий йилнинг бугунги ҳолатига 762 та кичик бизнес субъектлари мавжуд бўлиб, шулардан 3 таси хорижий сармоялар иштирокида ташкил этилган.

Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги "MAR GRA" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида мрамор, гранит ва

Мардон ХУДОЙҚУЛОВ,
Иштихон туман прокурори

бошқа турдаги табиий тошлардан ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари бугунги кунда хариддорлар ўртасида ўзига яраша обрўга эга бўлмоқда. Корхона ҳозирги кунда ўзининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини қўлайтириш ва Россия ҳамда Қозоғистон каби хорижий мамлакатларга экспорт қилиш устида иш олиб бормоқда.

2011 йил якунида "SAM-SAKURA INVESTMENT" Ўзбекистон-Япония қўшма корхонаси ташкил этилди. Ушбу корхона томонидан айти пайтда туманимизда япон миллий таомлари тайёрланадиган замонавий ошхонанинг ишга туширилиши бўйича ҳаракатлар давом этмоқда.

Худди шунингдек, Жанубий Корея ва Америка Қўшма Штатларининг сармоядорлари иштирокида 2012 йил бошида рўйхатга олинган "ELEKTRONIK YOSH KUCH" маъсулияти чекланган жамияти айти кунларда ўзининг фаолиятини бошлади. Маъзур жамиятда "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси билан компьютерлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Иштихон туманида охири русумдаги энг замонавий компьютерлар ишлаб чиқарилиши кишини қувонтиради.

Ҳуқуқ ва эркинликлар ҳимояси

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда уларни ҳар қандай қўриқилган таъвозулардан ҳимоя қилиш мамлакатимизнинг ҳуқуқий сисъати негизини ташкил этади.

Республикада изчиллик билан олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсади умумэтироф этилган кадриятларни ҳурмат қилиш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашдир. Шу мақсадда 2001 йил 29 августда республикада жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилиниб, Жиноят кодекси 661-моддаси билан тўлдирилди.

Шунга кўра, ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган, яъни қонунда 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятларни биринчи марта содир қилган шахслар, агар ўз айбиға иқроор бўлиб, жабрланувчи билан яраша ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги белгиланди.

Бундай жиноятларга оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаган ҳолда қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш, қучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида ва зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, ижтимоий ҳаффи қилишнинг содир этган шахсини ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, эҳтиётсизлик оқибатида баданга оғир

шикаст етказиш, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, қийнаш, қасб юзасидан вазифаларни лозим даражада бажармаслик, ҳавф остида қолидириш, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий жиҳатдан таъминлашдан бўйин товлаш, тўхмат ва ҳақорат қилиш, оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаган ҳолда ўзганининг мулкни ўзлаштириш, одамлар ўлими билан боғлиқ бўлмаган транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш ҳавфсизлиги қондаларини бузиш ҳақидаги 25 турдаги жиноятлар киритилган.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ярашув институти имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш мақсадида 2009 йил 3 апрелда Жиноят кодексининг 661-моддасига яна ўзгариш киритилиб, бунга асосан 12 турдаги ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган жиноятларни биринчи марта содир этиб, айбиға иқроор бўлган, жабрланувчи билан ярашган, зарарни бартараф этган шахсларни жиноий жазодан озод қилиш мумкинлиги белгиланди.

Бундай жиноятларга фарзандликка олиш сирини ошқор қилиш, хат ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ва бошқа хабарларни сир саклаш тартибини бузиш, оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаган ҳолда фирибгарлик қилиш, электр, иссиқлик энергияси, газ ва водопроводдан фойдаланиш қондаларини бузиш, оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаган ҳолда меҳнат муҳофазаси ва ёнган ҳавфсизлиги қондаларини бузиш, оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаган ҳолда безорилик ва бошқа қатор ижтимоий ҳаффи

Лутфия БОЗОРОВА,
Қашқадарё вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

катта бўлмаган жиноятлар киритилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки уларнинг қонуний вакиллари томонидан сурштирув ва дастлабки тергов ҳамда суд муҳокамасининг исталган босқичида, лекин суд маслаҳатхонага киришидан олдин етказилган зарарнинг бартараф этилганлиги, ярашганлиги муносабати билан иш юриштиши тугатиш тўғрисидаги илтимоснома кўрсатилган ҳолда берилади.

Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса ва уларнинг барчаси билан ярашилган тақдирда ва етказилган зарар бартараф этилган тақдирдагина ярашув тўғрисида иш юриштиши мумкин.

Аризани қабул қилиш пайтида сурштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки уларнинг қонуний вакиллариға агар суд ярашувни тасдиқласа, иш юриштиши қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилиши тўшунтирилади.

Ярашув тўғрисида ариза олинган, иш етти суткадан ошмаган муддатда судга юборилади, суд томонидан эса иш судга келиб тушган пайтдан бошлаб ўн суткадан кечиктирилмай ўтказилади ва агар ярашув тасдиқланса, иш ярашув асосида тугатилади. Жиноят содир этган шахс судланган ҳисобланмайд.

Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг давоми сифатида ярашув институтининг жорий этилиши инсон манфаатларини ҳимоя қилишда адолат ва инсонпарварлик тамойилларининг яна бир ифодасидир.

Фаолиятимиз мезони

Солиқларни ўз вақтида тўлаш шахсининг Ватан, жамият олдидаги бурчидир. Ҳар қандай солиқ тўловчи солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, ўз фаолиятини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилиши лозим. Афсуски, бурч ва мажбурият ҳиссини унутиб, ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўядиганлар ҳам жамиятимизда йўқ эмас.

СВОЖДЛҚК Департаментининг Яққасарой туман бўлими томонидан ҳўжалик юриштвчи субъектлар томонидан солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини фощ этиш бўйича муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида бўлим томонидан олиб бориладиган тездор-таҳлилий ишлар натижасида 28 ҳолатда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, жиноят ишлари қўзғатилган. Ушбу қўзғатилган жиноят ишларининг 16 тасини солиқ тўлашдан қасддан бўйин товлашга оид жиноятлар ташкил этади.

Ушбу даврда ёниқланган қонунбузилишлари юзасидан тайинланган ҳўжатли тафтишлар натижасида 3 млрд. 868 млн. сўм қўшимча мабғалар ҳисобланиб, давлат бюджетига 710 млн. сўми ундирилиши таъминланган. Ҳуқуқбузарлардан 347,5 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилган.

Сўнгги йилларда юртимизда валюта бозорини эркин-

Ж.КАЮМОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Яққасарой туман бўлими бошлиғи

лаштириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2003 йилнинг 15 октябрида жорий операциялар учун сўмни эркин алмаштириш йўлга қўйилганлиги ва бу билан мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларидан валюта алмаштириш шохобчалари фаолият бошлаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бундан қўзланган асосий мақсадлардан бири ноқонуний валютафурушлар фаолиятига чек қўйишдан иборат эди. Бироқ, ҳамон мавжуд қонунларга чап бериб, хорижий валюта алмаштиришни ўзларига "қасб" қилиб олганларга дуч келинмоқда.

Хусусан, Департаментнинг туман бўлими томонидан валютага оид 4 та жиноят ишлари қўзғатилди, ҳуқуқбузарлардан 48082 АҚШ доллари, 4970 евро, 100 Англия фунт стерлинги, 72500 Россия рубли, 100 минг 300 қозоқ тангаси ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки сотиш билан шуғулланаётган қимсаларга нисбатан қонунларимизда жазо чоралари белгиланган. Шундай экан, валютафурушлик йўли билан мамлакатимиз иқтисодиётига путур етказишга ҳаракат қилаётганлар, эртами-кечми тегишли жазосини олишади.



/Давоми.
Бошланиши 1-бетда/

2005 йил 11 февралдаги "Коммунал хизматлар тарифларининг асосий савишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президентимиз Қарори ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра 665 та прокурор нazorати ҳужжатлари қўлланилди. Жумладан, "Ғарбга таъминот" унитар корхонаси Навоий шаҳар филиали нazorатчиси Р.Саидов жорий йилнинг февраль ойидан май ойигача аҳолидан табиий газ учун йилгилан 228,2 минг сўм тўловларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганилиги аниқланиб, унга нисбатан шаҳар прокуратураси томонидан ЖКнинг 167-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукмига асосан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 8 та тадбир натижасига кўра аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш борасида 6 та тақдимнома ва 1 та протест киритилди. 1 нафар шахс огоҳлантирилди, 14 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, 3 та жиноят иши қўзғатил-

ди. Жумладан, Хатирчи туман бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси мансабдор шахслари томонидан 2000 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган давр мобайнида салкам икки минг нафар фуқароларга тегишли ҳужжатларга уларнинг иш ҳақи, меҳнат стажи, туғилган йили тўғрисида сохта маълумотлар киритилганлиги оқибатида бюджетга 3,8 млрд. сўмлик миқдорда зарар етказилганлиги аниқланиб, туман прокуратура томонидан уларга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми "а" банди ва 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган. Ҳозирда дастлабки тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Истиқлол берган имкониятлардан бири сифатида тадбиркорлик ва хусусий бизнес ҳаётимизга кириб келди ва қисқа муддатда тараққий этди. Бугун ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркорлар билан бирга, бизнесни бошлаш иш-тижорати юрдошларимиз кўпчиликини ташкил қилади. Уларни қонун доирасида қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли муҳофаза этиш тараққий омилидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, Президентимизнинг Фармони ва қарорлари, ҳукумат қарорларининг аниқ ва сўзсиз бажарилиши устидан проку-

Инсон манфаатлари

рорлик нazorати кучайтирилди. Жорий йилнинг 1-ярмида вилоят прокуратураси органлари томонидан ўшбу йўналишда ўтказилган 8 та текширишлар натижасига кўра 45 та прокурор нazorати ҳужжатлари қўлланилди. Назорат фаолиятини амалга оширишда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари самарали ҳимоясини таъминлаш вилоят прокуратураси органларининг энг муҳим устувор вазифаларидан бири эканлиги қатъий белгиланган бўлиб, асосий эътибор тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини тиклаш ва уларга амалий ёрдам кўрсатишга қаратилди.

Қўрилган чоралар натижасида, ўшбу даврда прокуратура аралашуви билан 14 нафар тадбиркорга банклардан 19,6 млн. сўм нақд пул ва 31 нафарига 267,9 млн. сўмлик кредитлар олишди. 57 нафарига рухсат берувчи ҳужжатларини олишда ва давлат рўйхатидан ўтишда амалий ёрдам кўрсатилиб, 157 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ҳар қандай қонунчи аралашувларнинг олдини олишга қаратилган чоралар қўрилди, қондабузарларга нисбатан қонуний жавобгарлик чоралари қўлланилди. Жумладан, 2012 йил 27 февраль куни вилоят прокуратураси ва МХХ вилоят бошқармаси ходимлари томонидан тадбиркор Н.Бобониезованинг аризаси асосида ўтказилган тезкор тадбир давомида Навоий шаҳар ИИБ қўриқлаш бўлими ходими И.Туробов Н.Бобониезованинг тад-

биркорлик фаолиятига тўсқинлик қилмаслик учун ундан 600 АҚШ долларини талаб қилиб олган вақтда ашёвий далиллар билан ўшланди. Мазкур ҳолат юзасидан вилоят прокуратураси томонидан И.Туробовга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов натижасига кўра жиноят иши айблов ҳулосаси билан ЖИБ Навоий вилоят судига юборилди, суд томонидан жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Нazorат-текширув идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш якуни бўйича қўлланилган ҳуқуқий чоралар ва молиявий санкцияларнинг қонунийлиги ҳар ой якуни бўйича ўрганиб боришмоқда. Шунингдек, ҳокимликлар, давлат бошқаруви, назорат-текширув ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг таъминланиши устидан доимий мониторинг ўтказилиб, бу борадаги қарорларнинг қонунийлиги ҳар 10 кунда ўрганиб боришмоқда ва аниқланган қонунчи ҳужжатларнинг протест келтириш йўли билан бекор қилиниши таъминланмоқда.

Тадбиркорларнинг молиявий ҳўжалик фаолиятига қонунчи аралашуви, уларга тўсқинлик қилиш ва ҳуқуқларини бузиш ҳолларини аниқлашнинг барча чоралари қўрилмоқда.

Вилоят прокуратураси ва ҳудудий прокуратураларга ўрнатилган "007" рақамли ишонч телефонлари орқали тадбиркорларнинг муносабатларини қабул қилиш ва уларни қўриб чиқиш, шунингдек,

Шўхрат Юлдашев,
Навоий вилоят прокурори
вазифасини бажарувчи

тадбиркорлар билан ҳар ойда камида 2 мартаба учрашув ўтказиб, уларнинг муаммоларини қонун доирасида жойида ҳал қилиш масаласига доимий эътибор берилмоқда.

Жорий йилнинг 1-ярмида вилоят прокуратураси органларининг ишонч телефонларида тадбиркорлик субъектларидан жами 120 та муносабатлар келиб тушган бўлиб, ўрганиш давомида барчаси қаноатлантирилган ва тадбиркорларга амалий ёрдамлар қўрсатилган. Хусусан, ишонч телефонига қилинган муносабат асосида Навоий шаҳридаги яқка тадбиркорлар Н.Тилабовага 15 млн. сўм ва Н.Собировага 30 млн. сўм, Зарафшон шаҳридаги "Аспарухон" хусусий корхонаси раҳбари А.Казаковга 4 млн. сўм, "Амирбек Зарафшон" хусусий корхонаси раҳбари Ш.Рўзиевга 30 млн. сўм, Нурота туманидаги яқка тадбиркор С.Ашуровага 10 млн. сўм кредит олиб берилиши таъминланган.

Республика Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг ҳар бир банди ижроси алоҳида назоратга олиниб, ижросини таъминлаш борасида доимий назорат тадбирлари ўтказилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур соҳа бўйича ўтказилган 68 та текширув натижаларига кўра 12 та жиноят

таъминлаш мақсадида 2 мартаба "Бўш иш ўринлари ярмаркаси" ташкил этилди, унда жами 239 нафар шахсга қўланган иш ўринлари яратилди.

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишда прокуратура зиммасига алоҳида масъулият юқланган. Уларнинг қонуний фаолиятига ҳар қандай сунъий йўл билан тўсқинлик қилиш ҳолатларига нисбатан зарур чоралар қўриллапти. Туман ҳокимилиги ҳўзуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси, лицензия берувчи, фаолиятнинг муайян тури билан шуғулланишга, муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишга, муҳандислик коммуникация тармоғига улаштиришга рухсат берувчи ва бошқа идораларда фуқароларнинг тадбиркорлик субъектини ташкил этиш, фаолиятини бошлаш, амалга ошириш ёки кенгайтириш билан боғлиқ муносабатларни қўриб чиқиш, уларда қўтарилган масалаларнинг ҳал этилиши ва қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги юзасидан ҳар чорада текшириш ўтказилапти. Назорат текшируви идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш натижаларига кўра қўлланилган ҳуқуқий таъсир чоралари ва молиявий санкцияларнинг қонунийлиги ҳар ой якуни бўйича ўрганилиб, 1 та тақдимнома киритилди, 2 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида қарор чиқарилди.

Давлат идоралари (мансабдор шахсларининг) тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид бўлган ҳар қандай қарори прокурор протести орқали қонунга мувофиқлаштирилиб, айбдорларга нисбатан қатъий чоралар қўрилиб, етказилган зарарларнинг тўла ҳажмида ундириб олинишга эришилди. Жумладан, фуқаро К.Бозоров "Талқоқ" маҳалласи ҳудудида тадбиркор Э.Бозоровга тегишли бўлган, дурадорлик устакхонаси қуриш учун ажратилган ер майдонида ўзбошимчилик билан қурилиш қилгани ҳолати бўйича фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманларо судига даъво аризаси киритилди. Мазкур ҳужжат суд томонидан қаноатлантирилиб, Э.Бозоровнинг ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Ҳамкорлик самараси

Қонун устуворлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий белгисидир. Ҳуқуқий демократик давлат барпо этишни мақсад қилган мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, ҳаётини ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ҳуқуқий онгини юксалтириш борасида кенг қўллаш ишлар олиб боришмоқда.

Фуқароларнинг ҳавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда кенг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликда жиноятчиликка, айниқса, унинг уюшган турларига қарши курашиш эътиборимиз марказида турган вазифалардан биридир. Жорий йилнинг олти ойи давомида туман ҳудудида умумий жиноятчилик кўрсаткичи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 тага камайди. Жиноятларнинг очиллиши 99 фоизни ташкил қилди. Аниқланган жиноятлар юзасидан малакали дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилиб, айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишини таъминлаш юзасидан қонуний чоралар қўрилди.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарларни айбдор шахслардан

дастлабки тергов жараёнида ундириб олиш масаласи ижобий ҳал этилмоқда. 2012 йилнинг 6 ойида туман прокуратураси иш юритувида бўлган жиноят ишлари юзасидан жами аниқланган 125 млн. 917 минг сўмлик зарардан 123 млн. 772 минг сўми тергов жараёнида айбдорлардан ундирилди.

Умумий назорат тартибида текширишларни режалаштиришда асосий эътибор текширишларнинг сонига эмас, балки уларнинг самардорлигини оширишга қаратилди. Жорий йилнинг 6 ойида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳаётини ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан 16 та текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этишга қаратилган 10 та тақдимнома, 3 та протест, 13 нафар шахсга нисбатан интизомий, 15 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор ҳамда 22 млн. 96 минг сўмлик моддий зарарни ундириш мақсадида судларга 5 та даъво аризаси киритилди, 1 ҳолатда эса жиноят иши қўзғатилди.

Туманда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳам ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Пахта ва галла ҳосилдорлиги ортиб бораётгани, фермер ҳўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичлари яхшилаётгани шундан далолат беради. Туман прокуратураси томонидан бу соҳани ривожлантиришга қаратилган қонунчиликнинг аниқ ва бир хилда ижро қилиниши устидан назорат олиб

Келдибой ЖУСИПБЕКОВ,
Кармана туман прокурори

боришда салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, аниқланган қонунбузилиш, унинг сабаблари ва унга имкон яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф қилиш ҳақида 7 та тақдимнома, 51 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатиш тўғрисида қарор, 4 нафар шахсга нисбатан интизомий жавобгарликка доир ишлар қўзғатилиб, 38 нафари келгусида қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳусусида расман огоҳлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралдаги Қарори билан тасдиқланган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда туман ҳокимилиги томонидан ҳудудий дастур ишлаб чиқилди. Унинг ижроси туман прокуратураси томонидан алоҳида назоратга олинган бўлиб, бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, туман прокуратураси томонидан "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси юзасидан тумандаги барча маҳалла ва коллежларда йилгилишлар ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, ҳудудий дастур ижроси юзасидан туман прокуратурасининг ташаббусига кўра, бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими билан ҳамкорликда аҳоли бандлигини ошириш, коллеж битирувчиларини иш билан



Ва юрт фаровонлиги йўлида

иши кўзгатилди. 183 нафар шахс маъмурий ва 87 нафари интизомий жавобгарликка тортилди, 59 та тақдимома ва 7 та протест киритилиб, 214 нафар шахсга огоҳлантирув эълон қилинди. Қишлоқ ҳўжалик корхоналарига етказилган 48 млн. 92 минг сўмлик зарар ихтиёрни равишда ундирилиб, 160 млн. 254 минг сўмлик зарарни ундириш борасида фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича судларга 317 та давво аризалари киритилиб, барчаси қаноатлантирилди, 357 нафар шахсининг бузилган ҳўқуқи тикланди. Хўсусан, вилоят прокуратураси, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ходимларидан иборат гуруҳлар тўзилиб, қишлоқ ҳўжалик экинларини экиш ҳолати бўйича доимий мониторинглар ўтказилиши йўлга қўйилган.

Вилоятда фермер ва деҳқон ҳўжаликларига ер ажратиш борасида қонунларга риоя этилиши, қишлоқ ҳўжалиги техникаларининг тайёргарлиги, уларнинг эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар билан узлуксиз таъминланиши, иш ҳўқларининг берилиши, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш аҳоли юзасидан гуруҳлар томонидан мониторинглар ўтказиб боришмоқда.

Мониторинглар давомида пахта ва ғалла экишга мўлжалланган ер майдонларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш ёки улардан мақсадсиз фойдаланиш билан боғлиқ қонунбузилиш ҳўлатлари аниқланмади. Бироқ назорат тадбирлари давомида 3 та ҳўлатда фуқаролар томонидан қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган

ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш ҳўлатлари аниқланиб, тегишли чоралар қўрилди.

2012 йил ғалла ҳўсили учун минерал ўғитнинг белгиланган нархда етказиб берилиши юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида, "Қишлоқҳўжаликкимё" ҲАЖ Қонимех туман филиали мансабдор шахслари томонидан ўғит нархига қўлланилган 21 фойзлик савдо устамаси билан бир вақтда асоссиз 6 фойз қўшимча устама ҳисобланиб, 42 та фермер ҳўжаликлари манфатларига 24 млн. сўмлик зарар етказилганлиги аниқланди. Вилоят прокуратураси томонидан 2012 йил 12 июнда ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми "а" банди билан иш кўзгатилиб, айблов ҳўлосаси билан судга юборилган.

Бундан ташқари, вилоят ҳўкимининг қишлоқ ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосари С.Ҳамроев, Кармана туман ҳўкимиси Ч.Қаноатов, Навбахор туман ҳўкимиси А.Нарзиев, вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази директори А.Қаюмов, вилоят "Қишлоқҳўжаликкимё" ҲАЖ раиси Т.Пардаев ва Кармана-Қонимех ирригация тизими бошқармаси бошлиғи Н.Атақўловлар қонунбузилишга йўл қўймаслик ҳўқида расмий равишда огоҳлантирилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳўқуматнинг "Қорақўлиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ўғтрисиди" ги Қарори ижроси юзасидан мунтазам равишда назорат тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Хў-

сусан, Учқўдўқдаги "Авангард", "Алтинтау", "Мингбулоқ", "Жўзқўдўқ" ва "Узқўдўқ" ширкат ҳўжаликларининг 68 нафар ишчи-ҳўдимларига 42,6 млн. сўмлик иш ҳўқлари ўз вақтида тўланмай келинганлиги, айбдор шахсларга нисбатан суд ҳўқмлари асосида тегишли жазолар тайинланган бўлишига қарамасдан талон-тороҳ қилинган чорва моллари 24-СХ давлат статистика ҳисоботларидан чиқарилмаганлиги аниқланиб, туман прокурори томонидан ширкат раислари К.Абдиев, Т.Аҳмедов, С.Қаюмов, Ш.Жўнисов ва П.Кареневлар МЖТКнинг 215-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилиб, вилоят "Қорақўл" бирлашмаси бошлиғи номига тақдимома киритилган.


Шўбҳасиз, юртимиз келажиги ёшлар қўлида. Жўрий йолда вилоятдаги қасб-хўнар коллежларини тамомлаган 17 минг 947 нафар битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида йил давомида 39 та махсус бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилиши режалаштирилиб, 10683 та бўш иш ўринлари яратиш белгиланган. Жўмладан, Нўрота туман прокуратураси ташаббуси билан туман ҳўқимлиги ва бандликка қўмаклашиш маркази ҳамкорлигида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 45 та қорхона ва ташкилотлар 137 та бўш иш ўринлари билан иштирок этиб, унга 80 нафар коллеж битирувчилари жалб этилди. Мазкур ярмаркада коллеж битирувчиларининг 60 нафари-га қорхона ва ташкилотларга ишга жойлашиш учун йўланмалар берилиб, шўндан 30

нафари қасаначилик асосида уч томонлама шартномалар тузилган қорхоналарга ва 18 нафари бюджет ташкилотларига ишга жойлаштирилди. 12 нафари тадбиркорларни рўйхатга олиш инспекциясидан яқка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтишда амалий ёрдам кўрсатилган.

Вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан вилоят ҳўқимлиги ва ўрта махсус, қасб-хўнар таълими бошқармаси ҳамкорлигида 2012 йилдан бошлаб қасб-хўнар коллежлари битирувчиларининг иш билан бандлигини назорат қилиб бориш бўйича ACCESS компьютер дастури яратилган.

Ҳар бир мўржаатни синхизлаб қўриб, муаллифларга асосли жавоблар бериб борилишига алоҳида эътибор қаратилди. Фуқароларнинг мўржаатлари билан ишлаш аҳоли вақти-вақти билан вилоят прокуратураси ҳайъатида қўриб борилиши таъминланди.

Бўгун юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳеч қачон ортага қайтмайдиган, қатъий ва изчил тўс олганлигини ишон билан айтиш мўкин. Булар аҳолининг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошатирилганлиги, фуқароларнинг мамлакатда рўй бераётган барча воқеа-ҳўдисаларга дахлдорлик тўғрисида, мамлакатнинг буюк келажигига ишончи ортиб бораётгани мисолида намоён бўлмоқда. Бу табиий. Зеро, бизнинг мақсадимиз — инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳўқуқлари олий қадрият ҳисобланган, аҳолиси фаровон давлат барпо этишдир.



Фуқаролар мўржаати доимий эътиборда

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида республикамизнинг ҳар бир фуқаро ваколатли давлат органлари, муассасалари ёки ҳақ вакилларига ариза, тақлим ва шикоятлар билан мўржаат қилиш ҳўқуқига эга эканлиги, мўржаатларнинг қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда қўриб чиқирилиши шартлиги алоҳида қайд қилинган.

Навоий вилоят прокуратураси органлари томонидан Бош прокурорнинг 2004 йил 10 декабрдаги буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мўржаатларини қўриб чиқиш тартиби тўғрисида" ги Йўриқнома ижроси юзасидан 2012 йилнинг 6 ойи давомида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Жўмладан, ўшбу даврда вилоят прокуратураси органларида фуқаролар ва юридик шахслардан жами 1994 та мўржаат келиб тўшган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мўржаатлар сонининг 230 тага қамайишига эришилди. Келиб тўшган мўржаатларнинг 1282 таси ҳал этиш учун бошқа муассасаларга юборилган бўлиб, 697 таси бевосита прокуратура органларида ҳал қилинган. Шўндан 541 таси бўйича мўржаат қилувчиларга қонун талаблари тўшунтирилган бўлса, 103 таси бўйича мўржаат қилувчиларнинг талаби рад этилган ва 53 таси қаноатлантирилиб, 65 нафар шахсининг бузилган ҳўқуқлари тикланган. Масалан, Навоий шаҳар прокуратураси томонидан фуқаро С.Ҳаджиевнинг бюджетдан ташқари Пенсия жағмармаси шаҳар бўлими ходимлари томонидан унинг нафақасининг 10 фойзи асоссиз ўшлаб қолиняётганлиги тўғрисидаги мўржаати юзасидан ўтказилган текширишда, С.Ҳаджиевнинг нафақаси 2011 йилнинг октябрь ойидан 2012 йилнинг январь ойига

қадар унинг розилигисиз ўшлаб қолиниб, унинг банкдаги ҳисоб-рақамига кўчириб берилганлиги аниқланган. Асоссиз ўшлаб қолинган 166 минг 53 сўм пул маблағлари фуқаро С.Ҳаджиевага қайтариб берилиши таъминланди ва ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараб, фуқароларнинг норозилигига сабабчи бўлган жағмарма бош ҳисобчиси Л.Ҳализов Меҳнат кодексининг 181-моддасига асосан интизомий жавобгарликка тортилди.

Шў каби, Кармана туман прокуратураси томонидан фуқаро А.Валиеваниннг мўржаати асосида ўтказилган текширишда унинг асоссиз ишдан бўшатилганлиги аниқланиб, туман прокурорининг протести асосида у вилоят ветеринария лабораторияси директорининг 2012 йил 23 январдаги буйруғи билан Навоий шаҳар "Гўлистон" деҳқон бозорига лаборант вазифасига ишга тайинланиб, унинг бузилган ҳўқуқи тикланди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан кичик бизнес ва ҳўсурий тадбиркорлик субъектларининг мўржаатлари билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилиб, айбдор шахсларга тегишли чоралар қўрилмоқда.

Бундан ташқари, Зарафшон шаҳар прокуратураси томонидан Самарқанд шаҳридаги "Ориё-Меҳр" МЧЖ директори Д.Турдалиевнинг "Зарафшон Строй механизм" МЧЖ директори Ж.Қўрбон томонидан тўлов муддатлари узрси сабабларга қўра кечиктириб келиняётганлиги ҳўқидаги му-



рожаати юзасидан текшириш ўтказилиб, қорхоналар ўртасида тузилган шартномага асосан 2011 йил 4 октябрда "Зарафшон Строй механизм" МЧЖга жами 2 млн. 900 минг 819 сўмлик дори воситалари етказиб берилганлиги, жамят раҳбари Ж.Қўрбон томонидан эса шартнома шартлари бузилиб, 1 млн. 525 минг 503 сўмлик тўлов ўз вақтида амалга оширилмасдан, муддати ўтган кредитор қарздорлик пайдо бўлишига йўл қўйилганлиги аниқланган. "Зарафшон Строй механизм" МЧЖ раҳбари Ж.Қўрбонга нисбатан МЖТКнинг 175-моддаси 3-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзгатилиб, "Ориё-Меҳр" МЧЖга тўланиши лозим бўлган 1 млн. 582 минг сўмлик тўловлар тўлиқ тўлаб берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, кичик бизнес ва ҳўсурий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига тўсқинликлар, ноқонуний аралашувлар билан боғлиқ мўржаатлар зудлик билан қўриб чиқирилиши таъминланмоқда. Жўмладан, "Кармана Тонг" ҳўсурий қорхонаси раҳбари А.Юсупов 2012 йил 20 июнда Навоий шаҳар прокуратурасининг ишонч телефонига мўржаат қилиб, диведенд тўлови учун ОАТБ "Турон

Шерзод ШАРОПОВ,
Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

банки" Навоий филиалидан нақд пул олишда амалий ёрдам беришни сўраган. Мазкур мўржаат шаҳар прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилиб, "Кармана Тонг" ҳўсурий қорхонасига 1 млн. 600 минг сўм нақд пул олинишида амалий ёрдам кўрсатилган.

Хизмат вазифасини суинистеъмол қилиш, фуқароларнинг турар жой, меҳнат, дам олиш ҳўқуқларини чегаралаш билан боғлиқ мўржаатларига ҳам алоҳида эътибор беришмоқда. Жўмладан, Қонимех туман прокуратураси томонидан фуқаро Х.Ҳоджаевнинг "Қонимех-тумангаз" филиали ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан ёзган аризаси бўйича текшириш ўтказилди. Унинг яшаш ҳонадонига ўрнатилган газ ҳисоблагич ярқосиз ҳолда бўлса-да, газ идораси ходимлари томонидан асоссиз равишда 188 минг 38 сўм қарз белгиланганлиги аниқланди. Газ учун меъёр қарзатиқчи қишки мавсумдан эмас, балки газ ҳисоблагич ярқосизлиги аниқланган қўндан, яъни 2012 йил 15 февралдан қайта ҳисобланиш, ўшбу ҳонадоннинг тумангаз идораси филиали ҳисобидан газ истеъмолчи учун қайта газ қувурига улаштири таъминланди. Газ учун тўловларни нотўғри ҳисоблагани учун "Қонимехтумангаз" назоратчиси М.Ҳудойбердиевга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзгатилди.

Вилоят прокуратура органлари томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳар бир мўржаати доимий эътиборда бўлиб, уларнинг бузилган ҳўқуқ ва манфатларини зудлик билан тиклаш чоралари мунтазам равишда қўриб боришмоқда.

Қонунийлик — фаолиятимиз мезони

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишда жамоат ташкилотлари, аynиқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлган маҳаллаларнинг ўрни бекиёс. Мустақилликка эришганимизнинг дастлабки йилларида Президентимиз раҳнамолигида маҳаллаларнинг юртимиз ва ҳаётимизда тутган ўрни ва мавқеини юксалтириш, уларни янада ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Бундай эътиборга муносиб жавоб бераётган маҳалла раислари ҳам ўзлари фаолият юритаётган ҳудудда тинчлик-осойишталик, тартиб, тозалик, ободончиликни назорат қилиш ва таъминлаш, кам таъминланган оилаларни аниқлаб, уларга моддий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, давлат томонидан ўрнатилган тартиб ва Низом бўйича болалар нафақасини белгилашда қонунга амал қилмоқда.

Афсуски, гуруҳ ичида курмак бўлгани каби уларнинг орасида ҳам ўз ваколатлари нимадан иборат эканлигини билмай, қонунга хилоф ишларни амалга ошираётганлари ҳам учраб турибди.

Туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг "Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги Қарорлари ижроси "Ховос" ҚФЙ маҳаллаларида ўрганилганда, ҳудудда жами 4297 та оила бўлиб, шундан 1772 таси кўп болали, 168 таси кам таъминланган, 24 таси ночор, 54 тасини эса боқувчисини йўқотган оилалар ташкил этиши маълум бўлди.

Текшириш давомида бу борада амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга, хато, камчилик ва қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги ҳам аниқланди. Масалан, ҚФЙ таркибида жами 6 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, шундан 2 тасининг маъмурий биноси мавжуд эмас, маҳаллалар эса хизмат телефони ва замонавий жиҳозлар билан таъминланмаган. Хусусан, "Меҳнатобод", "Халқаобод" ва "Маъруфобод" МФЙларнинг диний-маърифий, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси учун алоҳида хизмат хонаси, телефон ва зарур бўлган техник воситалар ажратилмаган. Натижада, маслаҳатчилар ўз хизмат вазифаларини тўлақонли бажармаганлар. Низом талаблари асосида иш ташкил этилмай, 2011 ва 2012 йил учун тузилган иш режалари бажарилмаган.

Жумладан, иш режанинг 5-бандида "маҳалладаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг моддий шароитини яхшилаш мақсадида, уларни ҳунармандчиликка, касаначилик билан шуғуланишга жалб этиш" белгиланган бўлсада, бу борада иш ташкил этилмаган.

Айрим МФЙларнинг биноларида электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари кузатилди. Хусусан, "Наврўз" МФЙ раиси И.Жа-

лалов маҳалла биносининг электр энергияси тармоғига ҳисоблагичсиз, ўзбошимчалик билан уланишига йўл қўйиб, фойдаланиб келганлиги оқибатида, туман электр тармоқлари корхонасига 305 минг 370 сўм миқдорда зарар етказилган. Бу каби қонунбузилиш ҳолатларини тумандаги "Ахмадобод", "Дармонқулоба", "Янги-ҳаёт" ва "Янги-турмуш" МФЙлари фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Мазкур ҳолатлар юзасидан 6 нафар МФЙ раисларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 101-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, туман электр тармоқлари корхонасига етказилган зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик судига даъво аризалари киритилди.

Бундан ташқари, тумандаги МФЙларнинг мансабдор шахслари томонидан сохта иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномалар асосида моддий аҳоли яхши бўлган оилаларга ҳам нафақалар тайинланиб, бюджет маблағларининг расстрата қилиш йўли билан талон-торож қилинишига йўл қўйилган.

"Халқаобод" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган текшириш давомида маҳалладаги нафақа тайинлаш комиссияси томонидан тумандаги "Мамирали Орузси" фермер ҳўжалиги аззоси Д.Ирматовга 497 минг 370 сўм, "Мадумаров Таваккалжон" фермер ҳўжалиги аззоси Л.Мамадалиевага 557 минг 660 сўм, "Достонбек Орузси" фермер ҳўжалиги аззоси М.Кенжаевага 895 минг 180 сўм нафақа пуллари нотўғри тайинланиб, тўланганлиги оқибатида бюджет маблағи талон-торож қилинган.

Шунингдек, М.Махсудова, Х.Исомидинова Г.Сотволдиева ва З.Валиевалар томонидан тақдим этилган сохта маълумотномалар асосида нафақа пуллари тайинланиб, тўлаб келинганлигини қандай баҳолаш мумкин?.. "Халқаобод" МФЙнинг нафақа тайинлаш комиссияси мансабдор шахслари эса, жами 5 млн. 117 минг 772 сўм маблағни талон-торож қилишганига нима дейсиз?

Бу каби ҳолатларга "Дехқонобод", "Ховос" ва "Маъруфобод" МФЙнинг нафақа тайинлаш комиссияси мансабдор шахслари фаолиятида ҳам йўл қўйилган.

Аниқланган қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан МФЙ ларнинг нафақа тайинлаш комиссияси мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси, 2-қисми "в, г" бандлари ва 209-моддаси 1-қисми билан жиноят ишлари қўзғатилди.

Шунингдек, Низом талабларига зид равишда сохта ҳужжатлар тақдим этилган, фуқароларнинг моддий аҳоли эътиборга олинмаган ҳолда нафақа тайинланган 6 нафар оилага нафақа тайинлаш ҳақидаги вакиллар йиғилишининг қарорларини бекор қилиш ҳақида протест киритилди.

Бундан ташқари, юқоридаги маҳаллаларда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекс талаблари асосида иш юритилганлиги аҳоли ўрганилганда ҳам бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, "Ховос" ҚФЙ раиси томонидан "Халқаобод", "Ховос" ва "Меҳнатобод" МФЙларнинг маслаҳат-

Бегзодбек РАИМКУЛОВ,
Бўз туман прокурори ёрдамчиси

чилари З.Улқарова, Н.Холмирзаева ва М.Ташланова-ларга нисбатан олийк иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жарима жазоси қўллаш тўғрисида буйруқ қабул қилинган.

Бироқ, маҳалла маслаҳатчиларини ишга қабул қилиш ҚФЙ раисининг ваколатига кирмасида, маслаҳатчилар З.Улқарова, Н.Холмирзаева ва М.Ташлановаларга нисбатан интизомий жазо қўлланилган. Шунга кўра, "Ховос" ҚФЙ раисининг буйруқларини бекор қилиш ҳақида протест киритилди.

Юқоридаги маҳаллаларда "Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларининг бузилишига ҳам йўл қўйилган. Хусусан, юқоридаги 6 та маҳалла биноларининг биронтасида фуқароларни қабул қилиш жадвали ишлаб чиқиши ва фуқаролар эътиборига маълум қилиниши таъминланмаган.

Фуқароларнинг ёзма муурожаатларини қабул қилиш журналлари юритилгани ҳолда, озғани муурожаатларни қабул қилиш китоби юритилмаган, фуқаролардан келиб тушган 6 та муурожаатлар кўриб чиқилиб, ҳал қилинган бўлса-да, муаллифларга муурожаатларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида маълум қилинмаган.

Ўтказилган текшириш якунига кўра, прокурор таъсир чоралари кўрилди. 6 нафар мансабдор шахсдан 1 млн. 687 минг 627 сўмини ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Бўз туманлараро судига даъво ариза киритилди.

Булунғур туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими васийлик ва ҳомийлик органи томонидан амалга оширилган ишларнинг аҳоли ўрганилганда, айрим қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Х.Абдуҳамидов васийлик ва ҳомийлик органининг раиси, Б.Қулбоев кенгаш котиби, услубчи Ш.Аноров ва психолог Б.Қулбоевлар эса аъзолари этиб тасдиқланган бўлсалар-да, улар ўз вазифаларини етарли даражада бажармаганлар.

Жумладан, туман ХТМФМТББ қошидаги васийлик ва ҳомийлик органида васийликка, ҳомийликка фарзандликка олинганларнинг барчаси ҳақида умумий маълумотлар жамланган қўлдалик доимий иш реестри, ота-онасиз қолганларни бирламчи рўйхатга олиш, васийлик ва фарзандликка олишга номзод бўлган ота-оналарни рўйхатга олиш, давлат гамхўрлигига муҳтож болалар ҳамда "Меҳрибонлик уйи"га жўнатилганларни ҳисобга олиш дафтарлари алоҳида юритилмай, тегишли маълумотлар қайд этилмаган.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг таълим ва тарбиясига таллуқли масалаларни ҳал қилишда ташаббускорлик кўрсатилмаган. Васий ёки ҳомий тайинланиб, оилага берилган болаларнинг кейинги яшаш, ўқиш шароитлари ўрганилмаган. Судларга қонунда белгиланган тартибда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ҳуқуқини чеклаш тўғрисида даъво аризалари билан чиқилмаган.

Бола тарбиясига бефарқлик

КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОРСИЗЛИК САНАЛАДИ



Бундан ташқари, судларда кўриб чиқилган ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ҳуқуқини чеклаш тўғрисида иштирок этган бўлсалар-да, боланинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғилган ҳолатларни аниқлаб, бола манфаатини ҳимоя қилиш чораларини кўришмаган. Ота-она қаровисиз қолган болаларни фарзандликка бериш, васий ва ҳомий тайинлашда тегишли ҳужжатлар тўлиқ олинмаган.

Тумандаги ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаганлар ҳақида васийлик ва ҳомийлик органига ташаббускорлик кўрсатилмаган ва бундай болалар ҳақида хабар қилинмаган. Хусусан, "Уроқли" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 2000 йилда туғилган М.Мусаев ва 2005 йилда туғилган Л.Мусаеванинг отаси К.Аҳмедов 2007 йилда вафот этганлиги, онаси

Д.Аҳмедова узоқ муддатга Россияга ишлаш учун кетганлиги, шунингдек, 1997 йилда туғилган Ф.Эргашев, Ф.Абдурауупларнинг отаси С.Абдурауупов 1999 йилда вафот этганлиги, онаси Н.Қаршиева эса Россия давлатига ишлаш учун кетиб, фарзандларини "Уроқли" маҳалласида яшовчи буви-си Т.Қаршиеванинг қарамоғига ташлаб кетганлиги ҳақида туман васийлик ва ҳомийлик органига хабар берилмаган. Натижада болаларга васий ёки ҳомий тайинланмаган.

Текширишда шунингдек, тумандаги 21-умумтаълим мактаби директори ҳам ўз вазифасини лозим даражада бажармаганлиги маълум бўлди. У 6-синф ўқувчиси Д.Бозорованинг онаси 1999 йил вафот этганлиги, отаси эса бошқа оила кўриб, фарзандини ҳоласи Б.Хотамовага ташлаб кетганлиги тўғрисида васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаган. Худди шундай қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган 22 нафар мактаб директорлари ва маҳалла фуқаролар йиғини раисларига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида, масъул ходимларга ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилди. Қонун талабларининг бузилиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси ва вилоят Халқ таълими бошқармасига тақдимномалар киритилди.

Шерали ФАЙЗИЕВ,

Булунғур туман прокурори ёрдамчиси

Зарурат бўлганда

Расмийлаштирилган божхона юк декларациясига ўзгартириш киритиш мумкинми? Бунинг учун қандай асос керак?

Ш.Низомиддинов, Зангиота тумани

Товарлар божхонада расмийлаштирилиб, муайян божхона режими остига қўйилганидан кейин божхона юк декларацияси (БЮД)га ўзгартириш киритиш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш мумкин. Фақат бу қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

божхонада расмийлаштирилганда йўл қўйилган ҳолатларни тузатиш зарурати туғилганида;

ушбу БЮД ёки унинг бир қисми бўйича расмийлаштирилган товарга эгалик қилиш

ҳуқуқи ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа субъектига берилганида;

шартнома (битим) шартлари ўзгарганида;

товарларни ташишга мўлжалланган транспорт воситалари техник жиҳатдан носоз бўлганида;

товарлар қайтарилганда;

БЮДга ўзгартириш киритиш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш учун етарли асос бўладиган бошқа ҳолларда.

БЮДда хато аниқланиб ва унга ўзгартириш киритиш,

қайта-расмийлаштириш ёки бекор қилиш талаб этилганида, товар эгаси ёки божхона брокери ҳудудий божхона органи бошлиғига ариза билан ёзма мурожаат қилиши керак ва унда мазкур БЮДга ўзгартириш киритиш, бекор қилиш ёки қайта расмийлаштириш учун зарурат бўлганлигининг аниқ сабабларини кўрсатади.

Бу ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 24 сентябрда рўйхатга олинган "Божхона юк декларацияларига тузатиш киритиш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тартиби тўғрисида" - ги Низом талаблари билан тартиб солинади.

Менинг ўғлим сафарбарлик қақуруви резервидаги хизматни ўташ учун туман Мудофаа ишлари бўйича бўлими билан тузилган шартномага асосан 2010 йилда 1 032 200 сўм миқдордаги пулни иш ҳақи ҳисобидан тўлади. Кейин ўғлимнинг соғлиғи ёмонлашди ва бунинг натижасида унга ҳарбий хизматни ўташга нолайиқ деган хулоса берилди. Уч марта комиссиядан ўтиб, уч марта нолайиқ деган маълумотнома беришди. 2011 йилда кейинги ўғлим бир ойлик ҳарбий хизматга бориб келди. Катта ўғлим ҳарбий хизматга нолайиқ деб топилганидан кейин, унга тўланган пулни кейинги ўғлим ҳисобига ўтказиб беришга асосан, мумкин эмас, тўлаган пулнингиз давлат фойдасига ўтади, кейинги ўғлимиз учун қайтадан пул тўлайсиз деб айтишди. Шу тўғрисида?

Я.Юсубов, Шовот тумани

Тўланган пул

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг сафарбарлик қақуруви резервида хизматни ўташи тартиби тўғрисида" ги Низом талабига кўра, сафарбарлик қақуруви резервидаги хизмат сафига олинган шахс томонидан махсус ҳисоб рақамига тўланган сумма қайтарилмайди.

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" ги Қонунни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик қақуруви резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарорини бажариш юзасидан қақурулувчилар билан Мудофаа вазирлиги ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда, бундай келишмовчиликлар қонунга мувофиқ суд тартибиде қўриб чиқилади ва ҳал этилади.

Сафарбарлик қақуруви резервидаги хизмат сафига олинган шахс томонидан пул бадали тўлиқ ҳажмда тўланмаган ёки унинг бир қисми тўланмаган тақдирда, шартнома шартларига мувофиқ, тўланмаган сумма (муддатда тўланмаган қисми) фуқародан суд тартибиде ундириб олинади.

Бадалнинг тўлиқ суммаси шартномада белгиланган муддатда тўланмаганда ёки белгиланган тўлов олти ойдан ортиқ муддатга кечиктирилганда фуқаро муддатли ҳарбий хизматга қақурулуши мумкин. Бунда унинг томонидан бадал суммасининг тўланган қисми қайтарилмайди.

Ҳакамларга жазо

Спортта қизиқмаган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Ана шу қизиқчи сабабли одамлар ўртасида кўплаб баҳс-мунозаралар келиб чиқади. Бундай баҳсларнинг аксарияти спорт йўналишларида ҳакамлик қилаётган шахснинг иши билан бевосита боғлиқ. Ўзбекистонда ҳам нотўғри ҳакамлик қилганлик учун жавобгарлик борми?

А.Машарилов, Шўрчи тумани

Албатта, Ўзбекистонда ҳам спорт бўйича ҳакам ҳакамлик мажбуриятларини сифатсиз бажарганда ёки уларга рия қилмаган ҳолларда жавобгарлик чоралари белгиланган. Бундай жавобгарлик "Спорт ҳакамлари ва спорт ҳаками тоифалари тўғрисида" ги Низом талабларига мувофиқ тарзда амалга оширилади. Хусусан, юқорида айтилган талабларга рия этмаган ҳакамга нисбатан қуйидаги жарималар қўлланилади:

- огоҳлантириш;
- мусобақа ҳакамлигидан четлаштириш;

— ҳакамлик тоифасини пасайтириш;

— ҳакамлик тоифасидан маҳрум этиш.

Жарималар ҳар бир ҳакамлар учун оритиладиган шахсий ҳакам маълумотномасига киритилади.

Спорт бўйича ҳакам тегишли тоифадан маҳрум этилганидан кейин унга тоифа қайтадан берилиши мумкин. Лекин бунинг учун белгиланган тартиб бўйича улар спорт бўйича ҳакамларга тоифалар бериш талабларини тақдоран бажаришлари лозим бўлади.

Бошқалар ҳам борми?

Мустақилликнинг дастлабки йилларида бизнинг туманимизда жуа кўплаб оилаларга уй-жойлари текинга ҳусусий қилиб берилган эди. Бундайлар қаторига менинг 1-гурух ногирони бўлган қўшим ҳам тушган. Ҳа вақтда бундай уйлар фақат ногиронларга берилган эдимми?

Ж.Давлатов, Қўқон шаҳри

Бу ҳолат аҳолининг кам таъминланган қисмига нисбатан татбиқ қилинган эди. Чунки, бу чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 19 август кунги Фармони талаблари билан тартибга солинган бўлиб, бозор муносабатларига ўтиш шaroитида аҳолининг мазкур табақаларини иқтисодий ҳимоялаш мақсадига қаратилган. Хусусан, бу тоифадагиларга яшаб турган (доимий рўйхатдан ўтказилган) квартиралар (хоналар) ва алоҳида уйлар улар қайси идорага қарашли эканлигидан қатъи назар улар:

- ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари;
- байналминал жангчи ногиронлари бўлган оилалар;

— I гуруҳ кўзи ожиз ногиронлари бўлган оилалар;

— 18 ёшгача 7 ва ундан ортиқ фарзандлари бўлган кўп болали оилалар;

— фарзанд қилиб олинган ва васийликка олинган ота-онасиз етим болалар;

— уч ва ундан ортиқ меҳнатга яроқсиз оила аъзолари бўлган боқувчисини йўқотган оилалар;

— ишламайдиган I ва II гуруҳ ногиронлари;

— 1930-1950 йилларда қатъон қилинган ва ҳозирги вақтда оқланган кишилари бўлган оилалар;

— Чернобиль ҳалокати оқибатларини тугатишда иштирок этган аъзолари бўлган оилалар кирган.

Бўёғи нима бўлади?

Мен яқинда Сирларё вилаетидан Тошкент шаҳрига ишга тақлиф этилдим. Лекин ўз навбатида шаҳарда доимий рўйхатга кириш масаласи ҳал этилиши лозим. Мен ишлайдиган ташкилот давлатга қарашли. Шундай бўлса-да, Тошкент шаҳрига доимий рўйхатга киришим эҳтимоли қанақа? Бунинг учун қандай ҳужжатларни тўплашим керак?

Э.Жабборов, Бектемир тумани

Сизнинг ҳолатингиз "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар" Ўзбекистон Республикаси Фуқаролари Тоифаларининг РЎЙХАТИ"нинг 11-бандига мос келади. Жумладан, ушбу бандга мувофиқ, давлат ҳокимияти органларига, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга тақлиф этилаётган юқори маълакали мутахассислар, тор ихтисосликдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) — мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга доимий прописка қилинади.

Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ТШИББ ХЧК ва ФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим бўлади:

- ариза;
- паспорт;

контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий ҳужжотномаси (казармалар, кораблар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

турар жой учун ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

уй-жой мулкдорининг турар жой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розиллиги);

никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг ёки фарзанднинг тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг, шунингдек васийлик (ҳомийлик)ни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

давлат ҳокимияти органи, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органи, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарининг ишга тақлиф этилаётган фуқаронинг (юқори маълакали мутахассис ёки тор ихтисосликдаги мутахассис) ишончилиги қафолати билан биргаликда илтимосномаси, шунингдек, лавозимга тайинлаш тўғрисида буйруқдан қўйирма. Республика аҳамиятига молик давлат ташкилотлари де-ганд, уларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан тартибга солинадиган давлат ташкилотлари тушунилади;

давлат бож тўланганлиги тўғрисидаги қвтанция.

Зарар тўлови

Иш жойида ўз вазифасини бажараётган вақтда вафот этган шахсга ўша корхона зарар тўлаб беради. Марҳумнинг қайси оила аъзолари бундай тўловни олиши мумкин?

В.Сандқулов, Деҳқонobod тумани

Ходим меҳнат жароҳатида боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда, иш берувчи марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз, шунингдек, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга ёки марҳум вафот этган кунгача ундан нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга, марҳумнинг вафотидан сўнг туғилган фарзандига, шунингдек, ота-оналаридан бирига, умр йўлдошига ёки оиласининг ишламайдиган ва вафот этганининг 3 ёшга тўлмаган болалари, укалари, сингиллари ёки набиралари парварishi билан банд бўлган бошқа аъзосига зарарни тўлаши шарт.

Болаларнинг боқимандалиги назарда тутилади ва бунинг учун далиллар талаб қилинмайди.

Қуйидагилар меҳнатга лаёқатсиз ҳисобланади:

16 ёшдан ошган шахслар, агар улар шу ёшга етгунга қадар ногирон бўлиб қолган бўлса;

60 ёшга тўлган эркаклар ҳамда 55 ёшга тўлган аёллар;

белгиланган тартибда ногирон деб эътироф этилган шахслар.

Оила аъзосининг меҳнатга лаёқатсизлиги бошланган вақт (боқувчининг вафотига ёки вафотидан кейин) унинг зарар тўловини олиш ҳуқуқига таъсир этмайди.

16 ва ундан катта ёшдаги ўқувчилар ўқув юртларининг кундузги бўлимларида ўқишни тугатгунларига қадар, аммо кўпи билан 18 ёшгача зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга-дирлар.

"Тадбиркорлик фаолиятининг бирон-бир соҳасида вужудга келган ва кенг қўлланиладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳуд-дотвор қондаси, бирон-бир ҳужжатда ёзилганлиги ёки ёзилмаганлигидан қатъи назар, иш муомаласи оdatи деб ҳисобланади.

Фуқаролик қонун ҳужжатларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, бу муносабатларни тартибга солишда маҳаллий оdat ва аъналар қўлланилади.

Тегishi муносабат иштирокчилари учун мажбурий бўлган қонун ҳужжатлари нормаларига ёки шартномага эид бўлган иш муомаласи оdatлари, маҳаллий оdat ва аъналар қўлланилмайди".

(Фуқаролик кодексининг 6-моддаси)

ҲУМРАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ
жавоб берди.

«Нексия» изидан



У учинчи кунни кечқурун машинани сотаётганида, харидор билан нархини келишяётганида ҳибса олинди. Аввалига ўзини гўлликка солиб кўрди. Бефойдалигига ақли етгач, айбига тўлиқ иқдор бўлди.

Тошкент вилоятининг Паркент туманида туғилиб-ўсган Аббос эндигина 21 ёшга кирган. Отаси Эргашбой ака олий маълумотли педагог. Мактабда 30 йил ишлаб, нафақага чиққан, деҳқончилик билан шуғулланди. Асосан узум етиштириб сотиб, бўш пайтларида ўзининг "Жигули" машинасида киракшлик ҳам қилди. Биринчи хотинидан тўрт нафар фарзанди бор, у бевакт вафот этганидан кейин иккинчи бор уйланиб, икки нафар фарзанд кўрди. Беш нафар боласини уйлаб, жойлади. Катта ҳовлида хотини, кенжа ўғли Аббос учаласи яшаб келишяётган эди. Хонадон ўзига тўқ, бирон марта МФИдан моддий ёрдам сўраб, мурожаат этмаган.

Отаси таъкидлаганидек, Аббос егани олдида, емагани ортида, беками-кўст ўсиб-улгайди. Фақат соғлиги яхши эмас, уч йил аввал кўзини даволатган эди, сўнгга кўричагини операция қилишди. Отаси оғир иш қилдирмай қўйган, баъзан кўнгли тусганида дадасининг "Жигули"сида киракшлик билан шуғулланиб юрарди. Отаси машинани бермаган, бўш қолган пайтлари компьютерда "Қароқчи" ўйинларини ўйнашга ишқибоз Аббоснинг китоб

ўқишга, панду-насихатларга сира тоби йўқ эди. "Боевик" киноларнинг қаҳрамонлари каби зимдан фақат пулга сажда қилар, лекин бировга сездирмас, сиртдан қараганда мўмин-қобил йигитдек кўринарди.

Узумнинг даромади ёмон эмас, бироқ онаси касал, сўнгги йилларда тез-тез касалхонада ётиб, давоаланяпти. Дадасининг топгани дори-дармондан, рўзгордан ортмаяпти. Бойлик ўз-ўзидан, осмондан тушмайди. Аббоснинг ҳаёлида жиноий режа туғилди. Йўловчи сифатида хилват жойга бошлаб боради-да, хайдовчини гумдон қилиб, қўлга киритган машинани "запчаст" қилиб сотади. Ёки ҳужжатларини "янгилаб", бутунчида пуллайти. Ўн-ўн беш миллион сўм дастоя қилиб олса, пулни-пулга уриштириб, кўпайтираверади, кўпайтираверади... Ана ўшанда пул сўраб, машинани бериб туринг, деб отасига ялинаверишдан қутулади. Шу тарика Аббоснинг хомхаёллари шакл-шамойилга кира бошлади.

Ёзнинг қоқ ўртаси, июль ойида Аббос Тошкентга серкатнов бўлиб қолди. Такси бекатларида янги, эгаси нимжонроқ "Нексия" машинала-

ри атрофида ўралашиб, "фалон жойга элтиб қўйсангиз, фалон сўм бераман", деб гаплашиб кўрди. Лекин, "омади" юришавермади. Такси хайдовчилар бир ўзи билан юргилари йўқ, ҳеч бўлмаса яна биронта йўловчи олиш дардида эдилар. 18 июль кунни кечки пайт пойтахтнинг "Паркент" бозори ёнига, бекатга худди мўлжалига мос тушадиган "Нексия" келиб тўхтади. Хайдовчи ёш эмас, бироқ жиддий қаршилик кўрсатса, бемалол йиқита олади.

— Ака, Бандоркўлга қанча бўлади?

— Ўн минг...

— Саккиз бераман.

— Бўпти, чиқинг...

Аббос бу манзилни бежиз танламаган эди. Юқори Чирчиқ туманидаги Бандоркўлда биров яшамайди, кечқурунлари яқин-атрофда тирик жон йўқ. Йўлда гаплашиб кетишди. Хайдовчининг исми Абдуқобул экан.

— Мана келдик, — деди хайдовчи. Атроф қоп-қоронғу, кимсасиз эди.

— Хўп, энди мени Паркентга ташлаб қўйинг, — деди Аббос машинадан тушиб, атрофини айлангандан кейин.

— Нима, мени аҳмоқ қил-яписи? Йўлқирани чўзинг, — хайдовчи машинадан тушди. Айнан шуни кутаётган Аббос унинг юзига кетма-кет мушт урди. Йўқлиб, ҳушидан кетгач, машинанинг орқа ўриндиғига ётқизиб, ўзи пулга ўтирди. Аввалдан пиштиб

Х.ОРИПОВ,

Бош прокуратура бошқарма
АМИБ катта терговчиси

олган режага биноан Қибрай туманига йўл олди. Тузель қишлоғи яқинидаги шағал қарьерига яқинлашганида ҳушига келган Абдуқобил унга ташланди. Аббос уни машинадан пастга туширди. Ёшроқ, бақувватроқ, кучлироқ босқинчи тагин машина эгасини уриб йиқитди. Қўлига кирган тош билан аямай бошига урди. Жонсиз жасадни пастга, йўл чеккасига судраб, кўринмайдиган пана жойга ташлади. Ўзининг қонуқи кийимларини ҳам ечиб иргитиб юборди.

Бироз юрганидан кейин йўлга қўндаланг ҳолича "Нексия"нинг мотори ўчди. Узокдан қўшчирик кўринди. Юк машинаси келиб тўхтади.

— Аккумулятор панд берди. Итариб юргизишга қарашворинглр.

Машинадан тушган икки киши "Нексия"нинг ортидан итариб, юргизиб юборишди. Аббос ярим кечаси Паркентга, уйига кириб борди.

— Ижарага миниб тургани манави "Нексия"ни гаплашиб олдим, — деди у ичкари уйдан чиқиб келган отасига ўзини хурсанд кўрсатишга тиришиб.

— Ахийри топибсан-да, яхши бўпти, мени аянгдан хабар олгани бераман. Сендан хавотир бўлиб ўтиргандим. Бўпти, ётиб дамнингни ол.

— "ЗИЛ-130" русумли машинада одамларнинг юкчини ташийман, — дейди гувоҳ Х.Зоҳидов. — Ўн саккизинчи июль кунни кечқурун қўшим Рустамжон қарвердан қум олиб келиб беринг, деб илтимос қилди. Кечаси ўнларда йўлга тушдик. Автодоромдан тахминан 500 метр нарида битта "Нексия" йўлга қўндаланг бўлиб турган экан. Унинг ёнида тўхтаб, нима бўлди, деб сўрадим. Хайдовчи "аккумулятор ўтириб қолди, юргизшворинг", — деди. Машинани итариб, юргиздик. Ён тарафи бироз урилган, ойналарига қон сачраган эди. Хай-

довчи иккита бола билан муштлашдим, деб машинани ҳайдаб, кетиб юборди. Гапларидан шубҳаланиб, шеригимга "Нексия"нинг номерини ёзиб қўйинг, дедим. Унинг ортидан ҳайдадим. Лекин етолмадик. Тошкент шахрига кираверишда "Роҳат" кўли ёнидаги постда турган ИИБ ходимига бўлган воқеани айтдик. У билан бирга ҳалиги жойга, автодором ёнига қайтиб бордик. ИИБ ходими йўл четида, пастда мурдани топди...

19 июль кунни ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб тезкор-тергов ҳаракатларига киришилди.

Орадан икки кун ўтиб, машина эҳтиёт қисмлари савдоси билан шуғулланадиган йигит ИИБга бир одам ўғирланган машинани сотиб олиб, «запчаст» қилиб сотишни таклиф қилаётгани ҳақида хабар берди.

— Аббос таниш одамлардан суриштириб, мени топибди, — дейди гувоҳ Ф.Ортиқов. — Ёски, авария бўлган, урилган машиналарнинг эҳтиёт қисмларини олиб-сотаман. Аббос, холамнинг ўлиғига тегишли "Нексия"ни сотиб беринг, деди. Машинани кўрай, маъқул келса, оламан, дедим. У мени ортимдан Қибрайга берди. Машинанинг ҳужжатлари борми, деб сўрасам, мижговланди. Ўзбекистонда рўйхатда турадими ё хориждан кирганини, десам бунга ҳам аниқ-тиниқ жавоб беролмади. "Ҳужжатлари бўлмаса ҳам олаверасизми?", деб сўради. Машинани кўрайлик-чи, ўшанга қараб гаплашамиз, дедим. Мени синамоқчи ёки жиноятга шерик қилмоқчи, деган шубҳага бордим. Машинадаги қон доғларини кўргач, Паркент туман ИИБ навбатчисига, милиция ходимларига хабар қилиш тараддуғида тушдим. Аббос ўзим олмаيمان, лекин битта харидор бор, дедим. Милиция ходими келиб, у билан савдолашди. У кетиши билан ИИБ ходимлари келиб Аббосни қўлга олишди...

Аввалдан жиноий режа тузиб, бировнинг жуда кўп муқдордаги мулкни қўлга киритиш мақсадида киракаш "Нексия" машинаси эгасининг ҳаётига зомин бўлган А.Мажлимовнинг иши судда қўрилди. Суд ҳукми билан босқинчи қотил узок муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Нохуш хабар тез тарқалади. Нима эмиш, мактаб-интернат директори пора билан қўлга тушганимиш?!

Бу гапга биров ишонди, биров эса йўқ. Аммо, шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди, деганларидек, кўп ўтмай бу гапнинг ҳақиқатлиги аён бўлди-ю, воқеанинг аслида қандай ўш берганидан воқиф бўлганлар хайратдан ёқаларини ушлашди. Ва бунга тўла асослари бор эди...

Буни қарангки, директор жаноблари оиласи моддий жиҳатдан қийналиб қолган фуқарони фаррошлик вазифасига ишга қабул қилиш учун ундан оз эмас, кўп эмас, нақд 300 АҚШ долларни миқдориди пора талаб қилади. Ишонмасизми? Афсуски, бу аччиқ ҳақиқат. Аслида аёл эри ишсиз қолгани боис моддий ёрдам сўраб маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилди. Уша пайтда идорада МФЙ посбони А.Тожиев ўтирган бўлиб, у аёлнинг талабини эшитган, айни пайтда раиснинг йўқлиги, йил ҳам яқунланаётгани, агар ҳужжатларни йиғиб топширса, келаси йил июнь ойдан нафақа

Таноби тортилди

олиши мумкинлигини тушунтиради. Аммо аёл ёзгача кута олмаслигини айтиб, ҳужжатлари тайёр бўлгунча бекор ўтирмаслик учун бирор жойдан иш гаплашиб беришни илтимос қилади.

— Опа, мактаб-интернатни биласиз-а? Бироздан кейин директорининг олдига киришим керак. Бахонада сизга ҳам иш гаплашиб кўраман. Нима дейсиз?

— Вой, умрингиздан барака топинг. Қанача иш бўлсаям розиман.

А.Тожиев яхши ниятлар билан директорнинг қабулига кирди-ю, у ердан тарвузи қўлтигидан тушиб чиқди. Бировга айтса ишонмаслиги мумкин. У аёлнинг кам таъминланган оилалар рўйхатида турушини айтиб, бирорта иш бўлса, қабул қилишни сўраган эди, директор гапни узокдан бошлади:

— Гап йўқ. Сен ўртага тушибсан, фаррошликка оламан. Фақат қўкида 300 олиб келса бўлди.

Бу гапни эшитган А.Тожиев анқайиб

Отабек НОРМАТОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

қолди. Директор ҳазиллашяптими, деса, йўқ, ўзига ўта жиддий қараб турибди.

— Ака, у бунча пул беролмайди. Салгина туширишининг иложи йўқмикан? Ахир фаррошлик раҳбарлик эмас-ку! Ёрдам берсангиз, дуога қолардингиз. Ҳам савоб бўлар...

— Менга қара, бир гап айтсам, ишонасаним? — У гапини тугатмай гап бошлади директор жаноблари. — Оддий тарбиячи бўлиб ишга қабул қилинишни хошлаётганлар 2 миллион сўм таклиф қилишяпти. Бунга нима дейсан? Бор, бошимни оғритма. Агар 300 ни олиб келса, февраль ойдан ишга тушади. Айтмоқчи, ўзингни куверинга 0,25 фойз ставкалик ишини 0,50 фойзга алмаштириш учун 400 минг сўм бер, десам, норози бўлди. Майли, ҳалиям бўлса сенинг ҳурма-

тинг учун 300 минг сўмга тўғрилаб бераман.

Энди, оддий фаррошликка ишга кириш учун 300 АҚШ долларни беришни эшитиб, А.Тожиев хайрон бўлган, бу хабарни эшитган фаррошликка номзоднинг аҳволини тасаввур қилаверинг. Бирок, у қўп ўйланиб ўтирмади. Бор гапни қозғатга битиб, тегишли органга мурожаат қилди.

Шундай қилиб, яна бир порахўрнинг таноби тортилди. Директор жаноблари пуллари қўлга киритишга шунчалар шошиб қолдики, А.Тожиевни мактаб-интернатнинг қоровулхонасида қабул қилди. Ундан ишга кирмоқчи бўлган аёлнинг аризиси билан махсус ишлов берилган 300 АҚШ долларини олиб чўнтагига тикди. 300 минг сўмни эса олиб, қоровулхонадаги қаравот устидаги ёстиқ тагига тикди. А.Тожиев ташқарига чиқishi билан, тезкор ходимлар ичкарига киришди...

Суд Шўрчи туманидаги мактаб-интернат директори О.Мамашуқовга тегишли жиноят ишини қўриб чиқди ва унга қилмишига яраша жазо тайинлади.

Савдо мажмуасидаги

«савдо»лар

Маҳаммаджон УМАРОВ,

Фаргона вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Жамиятимизда қарор топган қонун устуворлиги тамойилига асосланган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жазонинг қарорларини таъминлаш билан бирга, кенг қўлдан профилактика ишлари орқали ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш устида ишлашмоқда. Эзгуликка қаровчи маънавий қадриятларнинг сингдирилиши, ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши, иқтисодий ривожланиб, турмуш даражасининг ўсиб бориши баробарида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитлар барҳам топиб бормоқда. Бироқ ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билмаслик, билган тақдирда ҳам муроасозлик йўлини тутуш, бу менинг ишим эмас, тарзида содир этилаётган ҳуқуқбузарликка нисбатан лоқайд муносабат ҳуқуқбузарнинг, ҳусусан, тамағирнинг тегиригига сув қўйиш билан баробардир.

Ҳақ-ҳуқуқини беш қўлда билган, мажбуриятларини беками-қўст адо этаётган фуқароларга бевосита хизмат вазирасини бажараётган мансабдор шахс тамағирлик қилолмайди. Фуқароларнинг мажбуриятини адо этиш билан бирга ҳақ-ҳуқуқини талаб қила билиш қўнимаси порахўрлик, тамағирлик каби жиноий қилмишларнинг пайини қирқади, олдини олади. Айни чоғда муроасиз ижтимоий муҳитни ҳақлаштириб бориш орқали бундай иллатларнинг томирини қуритиш долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Афсуски, масъул лавозимга тайинланган айрим нафис наҳанглр босар-тусарини билмай қолади. Шарт-шароитни пухта ўрганиб, ишни яхшилаб бориш ўрнига дарров чўнтагини қаппайтириш пайига тушади. Нодиржон Маткаримов ана шундай "жигилдон банд"ларидан бўлиб чиқди.

У "Фаргона савдо мажмуаси" масъулияти чекланган жамиятининг раиси лавозимига тайинланди. Мажмуани қўздан кечириб чиқиб, ўзбошимчилик билан ўрнатилган айрим савдо расталарини қўчириш буюрди. "Ораста паризода" ҳусусий корхонасининг иш юритувчиси М.Юсупова корхона биноси олдидан нотурғун, назорат касса машинаси ўрнатилмасдан савдо-сотик қилаётган 8 донна дўкончалар фаолиятини давом эттиришларига рўхсат сўрайди. МЧЖ раисининг "кўнгли юмшаб" муайян "муқофот" эвазига рўхсат беришга кўнади. Нодиржон Маткаримов М.Юсуповдан ҳар бир дўконча учун 50 доллардан, жами 400 долларни санал олган чоғда, жиноят устида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳодимлари томонидан ҳибсга олинади.

— Мен раис бўлганимга Мадина Юсупова саккизта савдо растасини ижара шартномаси тузмасдан ишлатиб келган, бунинг учун бозор раҳбарларига "ёрдам пули" бериб турган экан, — дейди судланувчи Н.Маткаримов айбига иқдор бўлмай. — У билан "Ораста паризода" корхонаси биносининг иккинчи-учинчи қаватларини савдо мажмуасининг идораси қилишга келишгандик. Тўрт юз долларни ундан офисга алоҳида кириш эшиги қилаётган усталарнинг иш ҳақини бериб қўйиш учун олганман...

Суд МЧЖ собиқ раҳбарининг келтирган вақини асоссиз деб топди. Жабранувчи гувоҳлик берганидек, Н.Маткаримов 400 доллар пора эвазига 8 та савдо растасининг эски ҳолича ишлашига монелик қилмаслигини ўз зиммасига олган эди. Қолаверса, идора учун алоҳида эшик очили керак бўлган усталарга иш ҳақи тўлагани МЧЖ кассасида етарлича маблағ бўлгани ҳолда бозор раҳбари тадбиркордан пул сўраб олиши ҳақиқатдан йироқ.

Суд Н.Маткаримовга етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Судланувчи, асли Риштон туманилик, ўттиз саккиз ёшга кирган Н.Маткаримовнинг маълумоти ўрта. Иш бошлаганида 10 кун тўлар-тўлмас пора талаб қилиб олган собиқ раиснинг маънавияти ҳақида сўз юритишнинг ўзи ортиқча. Афтидан, у тийинини тийинга уриштириш, пул санадан ортиб биронта бадийи асарини қўлга олишга ҳам вақт топмаганга ўхшайди. Турмуш тажрибаси далолат берганидек, ўз соҳасининг билимдони, бироқ маънавий қашшоқ бўлган мутахассиснинг ҳақ йўлдан тийиш эҳтимоли юқори. Демак, масъул лавозимга ишга тайинлашда номзоднинг нафақат мутахассислиги, иш тажрибаси, маънавияти ҳам эътиборга олиниши лозим.

Жабранувчининг ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаати оғир жиноятни фош этишга қўмаклашди. Раисга пора сифатида берилган пулнинг ўрнини тўлдирш учун савдогарлар нархни оширишса, бундан истеъмолчиларнинг ҳамёнлари зарар кўради. Хуллас, ҳар қандай тамағирлик ҳолатларига нисбатан муроасиз муҳитни яратиш, керак бўлса, фуқаролик бурчини адо этиб, порахўрни фош қилишга қўмаклашиш орқали кўпчилик зиён кўришининг олдини оламиз.

Муҳаббат... Жуда кенг маънодаги тушунча, юксак инсоний туйғу. Уси ҳаёт мазмунсиз туюлади. Қалбида ҳаётга бўлган муҳаббати кучли, нимагадир қизиқиб, фақат эзгуликка интилиб яшаган инсон жамиятга ўз ўрнини топа олави ва бахтли яшайди ҳам. Юрагида заррача меҳр бўлмаган, тафаккури нуқсонли кимсадан эса ҳар нарсани қутиш мумкин. Бундай тоифадагилар на олимсига, на яқинлари ва на фарзандларига вафодор бўла оладилар. "Муҳаббат деб аталмиш туйғу — ҳаёт манбаи, ҳаётни ҳаракатга келтирилган қудратли куч ҳам ўзининг асл мазмунини йўқотиб бораётир, инсонлар томонидан беҳуда эрмакка айлантириб қўйилаяпти. Менинг назаримда инсоният истиқомат қиладиган жамият учун фақат ядровий урушгина бундан даҳшатлироқ хавф солиши мумкин", дея огоҳлантиради машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов. Бу ҳавотир бежиз эмас. Қўйилаги фожиа ҳам ана шу қадрсизлик "мева"сидир.

Канал бўйидаги қотиллик

А.ПҲЛАТОВ,

Бухоро вилоят прокуратураси АМИБ катта терговчиси

Сабобат Шухратга кўнгил қўйганида муҳаббатга асир эди. Аёл зоти қулоғи билан севади, деганларидек, у Шухратнинг ширин сўзларига маҳлиё бўлганди. У билан 2001 йилда турмуш қурди. Аммо, негадир Шухрат никоҳни расмийлаштиришни истамасди. Сабобат унинг бу шартига ҳам кўнди. Орада икки нафар фарзандлари туғилди.

Рўзгор таъшишлари, турмуш "мушт"лари... Йиллар ўтган сайин Шухратнинг хурмача қилиқлари қўри-на бошлаганди. Сабобат унинг барча ёмон одатларини ахшиликка йўлар, кун келиб эрининг тузалашидан умидвор эди. Аммо, кундан-кунга ҳаётга бўлган қарашлари ўзгара борарди. Шухрат ўзини касалга солиб ишлашни хоҳламас, рўзгор юқини ҳам аёлининг елкасига ортиб қўя қолди. Яхиям Сабобат ёшлигида зардўзликни ўрганиб олган экан, шу ҳўнари уни етишмовчиликлар қуршовидан олиб чиқарди. Эри эса, баъзи-баъзида мардикорликка чиқиб, уч-тўрт сўм топиб келганида Сабобат унинг инсофга кириб қолганидан хурсанд бўлар, бироқ бу шодлиқ узоққа қўзилмасди. Чўнки, Шухрат бу "топилдигини" айш-ишратга сарфлаб, чўнтагини қуритиб, уйига қайтарди.

Сабобатнинг панд-насихатларига қўл силган эр бора-бора аёлининг кўз олдига "жазман"лари билан суҳбатлашиб, уларни урчашува қачқирди. Бундай ўрликларга чидай олмаган Сабобат бир-икки бор ота уйига ара-лаб кетиб ҳам қолди.

Сабобат аҳрашишга қарор қилганида эри ялиниб-ёлвориб уни бу ниятдан қайтарди. Аёл унга ишонди. Бебурд одамда қатъият бўлармиди, Шухрат ана қўнғилхўшликка берилди. Сабобатнинг сабр қосаи тўлди. У яна нима қилсин, қаерга, кимга бош уриб борсин? Ҳаёлига келган фикр уни жиноятга бошлади — эрини ўлдиршига қарор қилиб, рўзгор пичоғини сумкасига солиб қўйди.

2011 йилнинг 10 июнь кўни Сабобат кўн иссиқлигини баҳона қилиб, маст бўлиб уйга келган Шухратни канал бў-

йига бошлади. Бундай тақлифларга суяги йўқ Шухрат дарров уни қўллаб-қувватлади.

— Қаердан сенга ақл кирди, бунақа сайрларни ёқтирмасдинг-ку, — хотини пичинг қилди у. Сабобат ички туйғуларини сиртга чиқармай тишини-тишига босиб, унга ҳазил тариқасида жавоб берди:

— Фақат ҳушторларнингиз билан қўмилишга борасизми, мен ҳам сиз билан дам олишга, кўнғилхўшлик қилишга ҳақлиман-ку, — деди аразлагандай.

Эр-хотин "Элач" канали бўйига келишди. Сабобатни ич-ичидан титроқ босар, қарорининг даҳшати уни вас-васага солган, икки ўт орасида қолганди. Қароридан воз кечсинми ё азоблардан биратўла қутулсинми? Эрининг уқубатлари тарозининг палласини тош босарди. Қарори қатъийлашиб, пичоқни қўлга олди. Юмшоқ кўнғили хотиннинг бунчаликка боришини ҳаёлига келтирмаган Шухрат қорнига санчилган пичоқ зарбидан ҳўшини йўқотди. Сабобат гўё ақлдан мосуво бўлди. Нафратга тўлиб пичоқни Шухратнинг дўч келган жойига санчар, гўёки чеккан азоблари учун қасд оларди. Зарбдан пичоқ тиги синиб қолганида эса янада ғазабланиб эрининг юз қисмларини тишлай бошлади. Сўнг унинг жасадини каналга итариб юборди.

Уйга қайтиб қилимининг даҳшатини, 28 ёшида Шухратнинг қотилига айланиб, ўз ҳаётини қўрбон қилганини англаган Сабобат пушаймонлик гирдобига қолди. Эртасига туман ИИБга бориб, содир этган жиноятига иқдорлик билдириб ариза ёзди.

Суд маъкур жиноят ишини атроф-лича ўрганиб ҳўкм чиқарди. С.Шаропова ЖКнинг тегишли моддаси билан 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

«Мўъжиза» устига мўъжиза

Қаловини топса, қорни ҳам ёндириш мумкин эканлигига ишонасизми? Ёки бугаёй экилган майдондан картошка ёҳуд боларинг ҳосилини олишга-чи? Ишонмайсизми? Ишонмаслигингиз турган гап. Аммо "Agro Invest Lyuks" МЧЖнинг аризмаган вақт мобайнида амалга оширган ишлари билан танишсангиз, шунга ўхшаш "мўъжиза"ларга гувоҳ бўласиз.

Хаммаси Алексей Латиповнинг Юсуф исмли йигит билан танишуви билан бошланади. Хатти-ҳаракатлари чаккон бу йигит Алексейнинг ишсиз юрналигини билгач, бир четга тортиб-да, унинг номига фирма очини тақлиф қилиб, ойига қўқда 100 бераман, деди дабдурустан.

Очига, бозорга иш излаб чиққан А.Латипов бошига тўсатдан қўнган бахт қўшидан эсанқираб қолаёзди. Аммо судланганини эсига тушиб, шундан гап очган эди, Юсуф бирорта таниш топ, дея маслаҳат берди-да, шошиб турганлигини айтиб, хайрлашди. Алексей ўйлай-ўйлай таниши Русланга қўнғирқ қилиб, бор гапдан уни воқиф этди. Русланнинг розилигини олган, эртаси кўни Юсуф билан учрашувга ошиқди...

Хуллас, санокли кўнларда "Agro Invest Lyuks" МЧЖ ташкил этилиб, рўйхатдан ўтказилди ва фаолиятини бошлади. Келишилганидек, Руслан Родионов МЧЖга директор этиб тайинланди. Алексей бирорта лавозимни эгалламаган бўлса-да, кўни билан офисда ўтириш ҳақида топириқ олди. Айтмоқчи, улар ишни бошлашлари арафасида Юсуф фирманинг барча ишларини ўзи юритишини билдириб, Руслан фақат ҳўжатларни имзолаши кераклиги ҳақида А.Латипов билан келишиб олди. Кечагина иш қилибди юрган икки оғайнига нима, қиладиган ишнинг тайини бўлмаса, агар бирор жойга боришса ҳам ташқарида машина қўтиб туради. Устига-устак, ҳар ойда 100 АҚШ доллари ўз-ўзидан келиб турибди.

Дарҳақиқат, фирманинг ишларини асосан Юсуфнинг ўзи юритарди. У кўн бўйи аллақарларда юриб, тўсатдан пайдо бўлар, турли шартномалар ҳамда тоза бланкаларни тақдим этиб, Русландан имзо чекишни талаб қилар ва муҳрини босиб, яна чиқиб кетарди.

Бир ойча вақт ўтиб, А.Латипов тўсатдан фирма директори этиб тайинланди. МЧЖнинг очилишида ҳозир бўлган ҳисобчи ишдан бўшаганига сабабли унинг ўрнини Р.Родионов эгаллайди. Шундай бўлса-да, ҳозиргина таъкидлашганимиздек, фирманинг муҳри Юсуфнинг қўлида бўлади.

Айнан ўша кўнларда Юсуф Қозғистонда рўйхатдан ўтган ИП "Сагиров А.К." билан тузилган 10 млн. АҚШ долларлик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотиш ҳақидаги шартномани келтириб, имзолаштиб олади. Ўша кўннинг ўзида Буюк Британиянинг "Donatek Trade LLC" компанияси билан ҳам 10 млн. АҚШ долларлик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотиш

Алишер СУЛТОНОВ,
СВОЖЖДЛҚ Департаментининг
Олмазор туман бўлими катта
инспектори

бўйича шартномани келтириб, расмийлаштиради. Орадан озроқ вақт ўтгач, Қозғистонда рўйхатдан ўтган, аммо бошқа ИП "Хамедов Х.М." корхонаси билан ҳудди юқорида қайд этилган микдордаги АҚШ долларлик микдордаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотиш тўғрисида шартномани қўтариб келади. Шунингдек, божхона органи ҳамда ваколатли банктдан ўтказиб, чет эл валютасини яшириш мақсадида, маҳсул техника воситаси ёрдамида "Yuqori chirciq agro-bog" invest" мутасаддилари билан келишилган ҳолда, корхонанинг таъсисчиси ҳисобланган "Shahzod-saidamir" фермер ҳўжалиги муҳрининг қалбаки нусхаси ясалди.

Кейин эса, "Shahzod-saidamir" фермер ҳўжалигидан 26 млрд. 778 млн. 52 минг сўмлик қишлоқ ҳўжалик маҳ-

сулотлари сотиб олиш ҳақида қалбаки шартнома тузилади ва ҳақиқатда у ердан ҳеч нарса олинмаган бўлса-да, қалбаки ҳўжатлар асосида 3 млрд. 663 млн. 620 минг сўмлик маҳсулотлар қабул қилинганлиги тўғрисида қў хати (ҳарид даволотомаси) расмийлаштирилади. Шу йўл билан фермер ҳўжалигидан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотиб олганлик ҳақида қалбаки маълумотнома тайёрланади, аслида эса пойтахтдаги бозорлардан маҳсулотлар қабул пулга сотиб олинди ва гарчи бундай фаолиятни амалга ошириш ҳўқуқини берувчи тегишли гувоҳнома (лицензия) олинмаган бўлса-да, жами 7 млн. 528 минг 120 АҚШ долларлик маҳсулотлар юқорида қайд этилган компания ва корхоналарга улғуржи тартибда экспорт қилинади.

Умуман олганда, "Agro Invest Lyuks" МЧЖ мутасаддиларининг қинғирликлари фақат шулардан иборат эмас. Шундай бўлса-да, галвир ўз вақтида сўвдан қўтарилиб, уларнинг ноконунки фаолиятлари ошқор бўлди ва белгиланган қонун-қоидаларни четлаб ўтиб, қинғир ишларга қўл урган раҳбар ва ҳисобчининг қилимиш суд томонидан қўриб қўқилди ва уларга айбларига яраша тегишли жазо тайинланди.

«Дорихона»даги ҳакерлар

ёхуд «Ника фарм сервис»нинг пуллари қаерга йўқолди?!



Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган ва республикамизнинг барча ҳудудларида ўзининг кўплаб дорихоналар тармоғига эга бўлган «Ника фарм сервис» масъулияти чекланган жамиятининг ярим миллиардга яқин маблағи йўқолганини юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди. Қизиқи, МЧЖнинг барча бухгалтерия ҳисоб-китобларида пуллар бор ва улар фақат ҳисоб рақамга келгандагина йўқолиб қолар эди. Бу иш кучли компьютер мутахассиси (ҳакери) томонидан пухта ўйлаб амалга оширилган, қолверса, янги турдаги жиноятчилик эди-ки, шу боис жиноятни фош этиш тергов ходимлари учун ҳам жуда катта қийинчиликларни юзга келтирди.

«Ника фарм сервис»нинг мамлакатимизда 70 дан зиёд дорихоналари бор. МЧЖнинг Қарши шаҳрида ҳам бир неча дорихоналари бўлиб, уларни назорат қилиш собиқ ҳудудий координатор, ҳозирда эса «маҳкум» макomini олган Собир Ҳамроевга юкланган бўлиб, у ўзига бириктирилган дорихоналар устидан умумий назорат олиб бориши, уларнинг қўнуний фаолиятини таъминлаши, қолверса, ишни ривожлантириши ва янги дорихоналар ташкил этиш чораларини кўриши керак эди. Бироқ, бу имкониятни фақат чўнтагини тўлдирши, дея тушунган С.Ҳамроев дорихона мудирлари билан ўзаро тил бириктириб, ноқонуний ишларни амалга ошира бошлади-ки, натижада қорхона мулки бўлган дори-дармон воситаларининг бир қанчаси жиноий гуруҳнинг «жигилдони»дан ўтиб кетади.

С.Ҳамроев аввало, ўзи бошлиқ жиноий гуруҳнинг фаолиятини аниқ йўлга қўйди. Унинг режасига асосан гуруҳда ҳамма-нинг ўз вазифаси бўлган. Масалан, Собирнинг вазифасига дорихоналардан ноқонуний равишда олиб чиқиладиган дори-дармонларни реализация қилиш чораларини қўриш, бундан тушадиган даромаддан гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимлаш, фаолият кўламини кенгайтириб бориш ва бошқалар кирарди.

Унинг эски таниши, компьютер дастурлари мутахассиси Собир Бозоров эса ноқонуний йўллар билан дорихонадан олиб чиқилиб, ўзлаштирилган дори-дармонларнинг қўнуний равишда сотилганлигини тасдиқловчи сохта терминал чекларни ясаб, дорихона мудирларига etkazиб туриши лозим бўлган.

Шунингдек, жиноий гуруҳ аъзолари Ғайрат Қувватов, Жаффар Намозов, Азиз Ризоқулов каби дорихона мудирлари эса «Ника фарм сервис» МЧЖ томонидан юборилган дори-дармонларни ўз жавобгарлигига олиб, гуруҳ раҳбари С.Ҳамроевга у томондан айтилган миқдордаги дори-дармонларни ҳеч бир ҳужжатсиз бериб юборишлари, кейинчалик ўзлари ўзлаштирган ушбу дори-дармонларнинг камомадни билдирмаслик учун С.Бозоровдан компьютер воситаларидан фойдаланилган ҳолда ясалган сох-

та чекларни қабул қилиб, уларни ўз ҳисоботларига қўшган ҳолда МЧЖга топширишлари ва ўзлаштирилаётган дори-дармонларнинг ўрнини ёпишлари зарур эди.

Шу ўринда айтиш лозимки, жиноий гуруҳ фаолиятини ташкил этишда Собир Бозоровнинг хизматлари катта бўлган. Компьютер устаси саналган С.Бозоров 2006 йилда «Бобур компьютер дастурлари» МЧЖни ташкил этиб, юридик шахсларга компьютерларни дастурлаш ва сервис хизматлари кўрсатиб келади. С.Ҳамроев орқали «Ника фарм сервис» МЧЖнинг Қарши шаҳрида жойлашган дорихоналарига компьютер усулларини ўрнатиш ва дастурлаш ишларини ҳам айнан С.Бозоров бажарган. Шу орқали у «Ника фарм сервис» МЧЖнинг фаолияти, бухгалтерия ҳисоб-китобларини юритиш усули ва транзит ҳисоб рақамлари ҳақидаги барча маълумотларни билиб олади ва бу ҳақда С.Ҳамроевга ҳам айтади. Илгари ҳам дорихоналарда ноқонуний ишларга қўл уриб, «маза»-сини тушуниб қолган Собир Ҳамроев бу гапни эшитган, уни «сохта чеклар» операциясини амалга оширишга ундай бошлайди ва бунга эришади. Охириқибат яхшигина касби ва топиш-тутиши ҳам жойида бўлган С.Бозоров ноқонуний йўл билан келадиган мўмай даромадга муккасидан кетади-ю, дорихонага ўрнатилган терминал апаратидан чиқарилган чекларнинг қалбаки нусхаларини ясаб, дорихона мудирларига келтириб бераверади.

Дастлабки сохта чеклар марказий бухгалтерия томонидан аниқланмагандан сўнг, жиноий гуруҳ ўзининг фаолиятини мунтазам тарзда ошириб бораверади. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаби бор эди.

Юқориде айтиб ўтганимиздек, мазкур қорхонанинг мамлакатимиз бўйлаб 70 дан ошди дорихоналари бўлиб, уларнинг қўнуний савдоси пойтахтда жойлашган марказий офисдаги компьютер дастурда кўриб борилади. Тармоқ бўйича кўнига бир неча минг операция амалга оширилиб, дорихоналардан тушадиган пуллар транзит ҳисоб рақамлар орқали МЧЖнинг Тошкент шаҳридаги марказий

ҳисоб рақамларига келиб тушади. Ҳар бир сотилган дори учун тушган пулни алоҳида ажратиш мумкин эмас, сабаби, жуда майда операцияларни бирма-бир кўриб чиқишнинг амалда мутлақо имконияти йўқ. Бундан хабардор бўлган С.Бозоров эса қилмиши ошкор бўлиб қолмаслигига ишонган ҳолда фаолият олиб борган.

Бундан ташқари, С.Бозоров «VISA» савдо терминалида «отмена» операциясини бажариш имконияти мавжудлигини аниқлайди ва ишга киришади. Яъни, миқдор дорихонадан дори харид қилган, «VISA» пластик картчакасини беради. Дорихона мудир эса миқдорнинг қўлига у сўраган дориларни тавозе билан тутқазади-да, айна пайтда терминалнинг ишламаётганини айтиб, пластик картчакани қолдириб кетишни, эртага ёки бир неча кундан кейин келганида айтилган суммани ечиб олиб, чек чиқариб беришни тушунтиради. Шу тарика бир кунда 20-30 тагача «VISA» пластик картчакалари йиғилади.

Қоронғу тушиб, дўконлар ёпилган, уларнинг қаршисида С.Бозоров пайдо бўлади ва терминаллар билан барча пластик картчакаларни йиғиб кетади. Уйига борган, «савдо-сотик»ни амалга оширишга киришади. Пластик картчакани «VISA» савдо терминалига қўйиб, ундан маълум миқдордаги пулни ечиб олади ва чек чиқарган, «отмена» операциясини амалга ошириб, яна пулни жойига келтириб қўйди. Эртасига дорихона мудирлари бу чекларни бухгалтерия ҳужжатларига қўшиб, бош офисга тақдим этишади.

Хуллас, 2008-2010 йиллар давомида Қарши шаҳридаги бир неча дорихонанинг мудирлари томонидан жами 432 млн. 434 минг 639 сўмлик дори-дармон воситалари турли йўллар билан ноқонуний равишда сотилиб, тушган пуллар гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимланиб, талон-торож этилади.

Гуруҳ аъзоларининг бир-бирига сadoқат қилиш шараҳида эди-ки, МЧЖ раҳбарияти томонидан С.Ҳамроевнинг фаолиятини шубҳа остига олиниб, ишдан бўшатиладигандан сўнг ҳам, у юқоридеги дорихона мудирлари учун амалдаги раҳбар бўлиб қолаверарди. «Кемага тушганнинг жони бир» мақолига амал қилган ҳамтовоклар Собир нимадеса, ўшани бажаришади. 2010 йилнинг декабри ойига келиб, «Ника фарм сервис» МЧЖнинг ички аудит хизмати ходимлари томонидан Қарши шаҳридаги дорихонада текширув бошланганида уларнинг пайтазасига кўрт тушади. Бу пайтга келиб, гуруҳ аъзолари МЧЖ томонидан дорихоналарга берилаётган дори-дармонларни худди ўзларига совғадек қабул қилиб олиб, хоҳлаган усулда сотиб, пулларини чўнтакка уришадиган эди. Текширув натижасига кўра, дорихона мудирлари А.Ризоқуловнинг жавобгарлигига берилган дори-дармонлардан 46 млн. 634 минг сўмлик камомад аниқланди. Аҳолининг яхши эмаслигини билган Азиз тезда раҳнамоси С.Ҳамроев билан учрашиб, камомадни ёпиш чоралари кўриямаса, бошқа қилмишлари ҳам очилиб қолиши мумкинлигини айтди.

Бу хабар Собирнинг ҳам «капалагини учириб юборади». Сабаби, агар иш зудлик билан «хал» қилинмаса, қолган 385

млн. 799 минг сўмлик камомад ҳам юзгага қалқиб чиқиши мумкин эди. Шу боис зудлик билан ишга киришиб, камомадни қоплаш учун 38 млн. сўмликдан ошдиқ нархдаги дори-дармон воситаларини олиб келишиб, айна дамда 10-сонли дорихона мудирлиги вазифасини бажариб турган Н.Тўхтаевга топширишади. Бироқ, бу билан ёпишлиқ қозон ёпиқлигича қолмади. Жамият раҳбарияти томонидан бу дориларни қабул қилиш кескин рад этилиб, жисмоний шахслардан дори қабул қилиш мумкин эмаслиги тушунтирилган, гуруҳ аъзолари чинакамга шовшиб қолишди. Бу орада бошқа дорихоналарда ҳам текширув ишлари бошланган хавфи юзга келган, С.Ҳамроев гуруҳини бир жойга йиғди:

— Хавотир олмаңлар, камомадни қоплаймиз, — гапни чўрт кесди Собир.

— Ахир, шунча пулни?... — гуруҳ аъзоларидан бирининг ваҳимали саволи охирига етмай қолди. Собир муштини қафтига урди.

— Бу пулни қайтариб тўлайдиган аҳмоқ йўқ. Биз камомадни бошқа йўл билан қоплаймиз. Фақат, «мутахассис»имизга озроқ қўйин бўлади. Шу вақтгача бирорта сохта чекнинг сири очилмади, демек, бундан кейин ҳам очилмайди, — у шундай деб С.Бозоровга юзланди:

— Адаш, менга қара, Азизнинг дорихонасидан камомад чиққан. Агар буни ёппасак, бошқа сирларимиз ҳам очилиб қолиши мумкин. Шунинг учун сен унга яна кераклик миқдорда сохта чеклар ясаб берасан. Қарабсанки, ишларимиз яна беш-да!

Шундай қилиб, дорихонадаги камомадлар сохта чеклар ёрдамида ёпила бошланди. Лекин уларнинг бир хатоси барча сири фoш этиб қўйди. Яъни, текширувчилар гуруҳи Қаршидан Тошкентга қайтганидан сўнг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни топширишди. Ҳисоботлар ичида А.Ризоқулов томонидан тақдим қилинган 8 дона чек ҳам бор эди. Бу чеклар у камомадни тўлаганлигини билдирарди. Шу ерда марказий бухгалтерия ходимларидан бири «ахир, etkazилган зарарни қоплаш учун, деб бизнинг ҳисоб рақамимизга пул тушгани йўқ-ку», деб қолди. Шу гап билан чекларни текшира бошлашди. Аниқлинишча, бу маблағ рostdан ҳам уларнинг ҳисоб рақамига келиб тушган, лекин бироздан сўнг қайтиб кетган. Дарҳол МЧЖ раҳбариятига ахборот берилди. Бу ҳолатни кўрган МЧЖ раҳбарлари Қарши шаҳридан юборилган ҳар бир чекни бирма-бир текшириш тўғрисида буйруқ беришди.

2-3 йил давомида келиб тушган чекларнинг сон-саногий йўқ бўлганлиги боис, уларнинг ҳар бирини текшириб чиқишнинг ўзи бўлмади. Лекин дорихоналар тармоғининг яхши ишлашини таъминлаш учун бошқа илож йўқ, ҳаммасини текшириб чиқиш керак. Шундан сўнг жамиятнинг бир неча малакали ходимлари 3-4 ой давомида ҳар бир чекни бирма-бир банк маълумотномалари билан солиштириб чиқишди ва воқеа ойдинлашди, ҳайронлиқларини яширишади. Жамиятнинг ярим миллиардга яқин мол-мулки талон-торож қилинган эди.

МЧЖ раҳбарияти томонидан

Жасур ФОЗИЛОВ,
Қарши махсус прокуратураси
терговчиси
Жаҳонгир БОЙМУРОВОВ,
журналист

мавжуд вазият юзасидан тегишли ҳужжатлар тайёрланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга оширилди.

Турли экспертизаларни ўтказиш йўли билан жиноий гуруҳ томонидан жами 1778 дона сохта чек МЧЖнинг марказий бухгалтериясига тақдим қилинганлиги аниқланди. Бироқ, ушбу чеклар айнан қайси дорихона томонидан топширилганлигини аниқлаш осон бўлмади. Бу чеклар «VISA» савдо терминал апаратларининг чекларига нисбатда ўхшатиб чиқарилган бўлиб, уларда қайд қилинган савдо терминал апаратларининг идентификация рақамлари ҳақиқатдан ҳам Қарши шаҳридаги 8 ва 10-сонли дорихоналардаги савдо терминал апаратларининг идентификация рақамлари билан бир хил эди. Тергов гуруҳини таажжублантирган ҳолат эса, ҳар икки дорихонада турган икки хил савдо терминал апаратидеги бир хил идентификация рақам бўлди. Ваҳоланки, иккита терминал апаратлари икки савдо нуқтаида ишлатилган. Ана энди машамани кўринг, 8-сонли дорихона мудир бу ишни 10-сонли дорихона амалга оширгандеса, 10-сонли дорихона ходими аксинча, бу сохта чекларни 8-сонли дорихона юборган, деб ваз кўрсатди. Бундай вазиятда ҳақиқатни аниқлашнинг битта йўли бор эди. У ҳам бўлса сохта чекларда номи кўрсатилган пластик картчага эгаларини бирма-бир йиғиб, улардан қайси дорихонадан дори харид қилганликлариини сўраб чиқиш эди.

Хуллас, тергов давомида 300дан ортиқ фуқаро сўроқ қилинди. Уларга ҳақиқий чеклар билан сохталарни тақдим қилинган, пластик картчага эгалари қайси дорихонадан савдо қилганликлари, қайси чекларда кўрсатилган дори-дармонларни олганликлари ва қайси чеклардаги дори-дармонларни олманликлариини кўрсатиб беришди. Натижада, миқдор дорихонадан 4 минг сўмга дори харид қилган ва чек чиқарилган бўлса, орадан бироз вақт ўтиб, бу чекнинг 140 минг сўмлик ёки 400 минг сўмлик сохта вариантлари пайдо бўлганлиги аниқланди.

Қизиқи, шундаки, баъзи фуқароларнинг номига ҳатто бир ой давомида 4,5-5 млн. сўмлик чеклар ёзилган бўлиб, ушбу фуқаролар сўроқ қилинганда, улар «ахир менинг пластик картчакамга 2-3 йил давомида ҳам бунча миқдорда пул тушмайдик, қандай қилиб мен 1 ой давомида 5 миллион сўмга дори олишим мумкин», дея елка қисирарди.

Ҳар қандай қинғир ишнинг жавоби, албатта, бўлади. Нафси эрк бериб, ўзи ишлаб турган ташкилотнинг катта миқдордаги мол-мулкини талон-торож этишдан тап тортмаган ушбу жиноий гуруҳ аъзолари ҳам қилмишларига яраша жазо олишди.

Шунингдек, жиноий гуруҳ томонидан «Ника фарм сервис» МЧЖга etkazилган зарарнинг асосий қисми айбдорлардан ундирилди.

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошкармаси томонидан 2012 йил 10 сентябрда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бериш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади.

Объектни сотиб олиш шартлари куйидагича:
— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— энг камда иловада келтирилган микдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
— янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
— сотиб олиш тўлови ва инвестиция киритишни қисқа муддатларга амалга ошириш.

Оммавий оферта савдоларига чиқарилаётган давлат объектлари ва улушлари рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сакловчи	Савдога чиқарилган нархи	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	ТТЗ ОАЖ тасарруфда бўлган, "Гушт-сут" савдо дўкони	239,00	Мирзо Улугбек тумани, Аҳмад Югнакий мавзеси, 33а-уй	"ТТЗ" ОАЖ	173 983 642,43	29 000 000	1 йил
2	Физиклар уйи	2 590,00	Мирзо Улугбек тумани, Улугбек шаҳарчаси	Ядро физикаси институти	1 656 605 811,95	276 500 000	1 йил
3	Лаборатория биноси	1 245,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй	Электроника институти	1 042 420 915,74	174 000 000	1 йил
4	Ошхона биноси	534,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	454 427 818,20	76 000 000	1 йил
5	Ёрдамчи биноси	121,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	84 451 635,44	14 500 000	1 йил
6	Ёрдамчи биноси	40,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	33 892 931,86	6 000 000	1 йил
7	Ишлаб чиқариш биноси (қурилиши тугалланмаган бино)	8 231,00	Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчаси, 2-уй	Математика ва инф. тех. институти	3 499 609 262,00	1 050 000 000	3 йил
8	"Tayyorlov savdo" МЧЖ	28,91% давлат улуши	Олмасор тумани, М.Садиев кўчаси, 88-уй	-	1 486 370 095,00	-	-

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!
Хукумат қарорига асосан мувофиқ, жойлаштирилмаган давлат активлари аниқ инвестиция лойиҳалари ва янги инвесторлар маблағлари ҳисобидан тўлиқ молиялаш мажбуриятларини олиш шарти билан бепул бериладиган Ҳузур тумани ҳокимлигига қарашли "Оби ҳаёт" кўрғонидаги "Собиқ ҳарбий казарма бино иншоотлари" ҳамда Миришкор туман "Миришкор киноведио бўлими"ни инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича танлов ўтказилишини эълон қилади.

Танлов ўтказиш муддати — 2012 йил 11 октябрь, 25 октябрь, 9 ноябрь, 23 ноябрь.

Танлов ўтказиш жойи — Қашқадарё вилоят ҳокимлиги.

ТАНЛОВ ШАРТЛАР

№	Корхона номи	Жойлашган ҳудуд	Хусусийлаштирилиш и белгиланган давлат улуши (%)	Хусусийлаштириш тартиби	Фоалият тури бўйича	Минимал инвестиция микдори (млн. сўм)	Инвестиция мажбуриятини бажариш муддати, (йил)
1.	Ҳузур тумани ҳокимлигига қарашли "Оби ҳаёт" кўрғонидаги "Собиқ ҳарбий казарма бино иншоотлари"	Ҳузур тумани	100	100 фоиз давлат мулки, савдо ғолиби 10 кун муддат ичида тендер объектини мустақил баҳоловчи компанияси орқали баҳолатиш шарт ва баҳолаш хизмат ҳақларини узи тўлайди	Ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	1000.0	2
2.	Миришкор туман "Миришкор киноведио бўлими"	Миришкор тумани	100	Фоалият турини саклаган ҳолда	Тўлиқ, мулкнинг мажмуа сифатида	35.0	1

Танловда тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳамда танлов савдоси объект бўйича белгиланган энг кам инвестиция мажбуриятдан кам бўлмаган микдорда активлар, шу жумладан, пул маблағларига эга бўлган барча жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари (хорижий сармоядорлар) қатнашишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун инвестор эълон қилинган танлов ўтказиш санасидан камда уч кун олдин ҳудудий комиссиянинг кўриб чиқиши учун муҳрланган ёпиқ конвертда куйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

1. Танловда қатнашиш истагини билдирган ариза
2. Юридик шахсларга нисбатан, охириги ҳисобот даври (чорақ, йил) даги бухгалтерия баланси ҳамда аудитор ҳулосаси нусхалари, хизмат кўрсатувчи банкдан тўловга лаёқатлиги ҳақида маълумотнома. Жисмоний шахсларга паспорт нусхаси, белгиланган минимал инвестиция мажбуриятларидан кам бўлмаган микдорда активлар, шу жумладан, пул маблағлари мавжудлиги тасдиқловчи ҳужжатлар.

3. Номзод вакилига амалдаги қонунчиликка асосан берилган ишончнома (агар номзод вакилининг унинг ишончли вакили кўрсатса).

АУКЦИОН САВДОЛАРИ ХАБАРНОМАСИ

"BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти Аукцион комиссияси иштирокида ўтказиладиган куйидаги аукцион савдоларига таклиф этади.

"АУКЦИОН" савдолари Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй (3-қавати)да бўлиб ўтади.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 мартдаги 94-сонли "Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдони ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан "Бухороматлуботсавдо" акциядорлик компаниясининг куйидаги шахар ва туманлардаги ташкилотлар устав фондигаги улушлари ЛОТ тартибидан "Аукцион" савдоларига чиқарилишини ҳамда "Аукцион" савдоларининг 2012 йил 11 сентябрь кuni соат 14:00 да бўлиб ўтишини эълон қилади.

1-ЛОТ. "Когонматлуботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондигаги 25 фоиз улуши, бошланғич баҳоси — 80 988 156 (саксон миллион тўққиз юз саксон саккиз минг бир юз эллик олти) сўм; 2-ЛОТ. "Олотматлуботсавдо" очик акциядорлик жамияти "Савдо-Харид" корхонаси устав фондигаги 25 фоиз улуши, бошланғич баҳоси — 23 407 462 (йигирма уч миллион тўрт юз етти минг тўрт юз олтинчи икки) сўм; 3-ЛОТ. "Ромитанматлуботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондигаги 25 фоиз улуши, бошланғич баҳоси — 53 669 075 (эллик уч миллион олти юз олтинчи тўққиз минг етти миш беш) сўм; 4-ЛОТ. "Қорақулматлуботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондигаги 25 фоиз улуши, бошланғич баҳоси — 113 130 633 (бир юз ўн уч миллион бир юз ўттиз минг олти юз ўттиз уч) сўм; 5-ЛОТ. "Пешкуматлуботсавдо" масъулияти чекланган жамияти устав фондигаги 25 фоиз улуши, бошланғич баҳоси — 20 895 833 (йигирма миллион саккиз юз тўқсон беш минг саккиз юз ўттиз уч) сўм; 6-ЛОТ. "Бухороматлуботсавдо" савдо ишлаб чиқариш кооперативи устав фондигаги 25 фоиз улуши, бошланғич баҳоси — 47 617 550 (қирқ етти миллион олти юз ўн етти минг беш юз эллик) сўм; 7-ЛОТ. "Вобкентматлуботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондигаги 25 фоиз улуши, бошланғич баҳоси — 24 560 875 (йигирма тўрт миллион беш юз олтинчи минг саккиз юз етти миш беш) сўм; 8-ЛОТ. "Ғиждувонматлуботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондигаги 25 фоиз улуши, бошланғич баҳоси — 253 259 059 (икки юз эллик уч миллион икки юз эллик тўққиз минг эллик тўққиз) сўм; 9-ЛОТ. "Жондорматлуботсавдо" масъулияти чекланган жамияти устав фондигаги 25 фоиз улуши, бошланғич баҳоси — 4 426 000 (тўрт миллион тўрт юз йигирма олти минг) сўм;

Закалат пули микдори юқоридаги улушлар бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдорига белгиланган.

Талабгорлар диққати!

Аукцион савдосида ғолиб топилган шахс 10 (ўн) кунлик муддат ичида сотувчи билан олди-сотида шартномасини тузиши лозим. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотида шартномасида белгиланган. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги та-

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

— сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15% дан кам бўлмаган гаров суммаси;
— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотида шартномасини имзолаш шартли юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2012 йил 10 сентябрь кuni соат 16:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16"а"-уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-22-98, 233-22-83

лабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги бюртномалар "Аукцион ташкилотчиси" томонидан Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй (3-қавати) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб савдоларнинг ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган микдордаги закалат пуллариини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ғувоҳнома, нисом нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган МЧЖ СТИР 301480431, МФО 00120 ДАТ Аскаа банки Бухоро шаҳар филиалидаги ҳисоб рақами 2020800050482825001.

Бюроманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча савдолар бўйича куйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

"Аукцион ташкилотчиси" — "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган МЧЖ.

Манзили: Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй. (3-қават). Тел: 8 365 223-49-24.



Жамоатчилик эътибори

30 йилга яқин умрини Самарқанд ва Жиззах вилоятларида қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқий-амалий тажрибасини ёш ходимларни тарбиялашга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлган инсон, прокуратура фахрийси Камол Ишнаев кутлуғ 70 ёшини қаршиламоқда.

У иш фаолияти давомида Галлаорол туман прокуратураси терговчиси, Пахтачи туман прокуратураси терговчиси, Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори, катта терговчиси, Жиззах шаҳар прокуратураси терговчиси, шаҳар прокурорининг ўринбосари, Қўшработ туман прокурори, Каттақўрғон туман прокуратураси терговчиси, туман прокурорининг ёрдамчиси, туман прокурорининг ўринбосари, Каттақўрғон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Камол Ишнаевич ишлаш даврида ижобий фаолият кўрсатиб, фидойилиги, изланувчанлиги ва хизмат бурчиға садоқатлиги билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари орасида ҳурмат қозонди.

Камол Ишнаевичнинг узок йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди ва "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Хурматли Камол Ишнаевич, кутлуғ 70 ёшингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сийхат-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик, файзу барака тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Конституциямизнинг баркамол авлодини тарбиялашгаги гоявий-тарбиявий аҳамияти беқиёс. У ёшларда Ватанга садоқат, маралик, ўзаро дўст-биродарлик туйғуларини тарбиялашга хизмат қилади. Асосий Қонуни-мизда халқаро инсон ҳуқуқлари декларацияси тамойиллари билан бир қаторда халқимизнинг кўп асрлик анъаналари, урф-одатлари муҳасамалашган. Жамиятнинг барча қатламлари сингари ёшларнинг ҳам барча турадаги шахсий, сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлаб қўйилган. Ёшлар жамият ва давлат ишларини бошқаришда тенг асосларда иштирок этадилар.

Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви фаолиятининг устувор йўналишларидан бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топишини таъминлаш, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борида тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир.

Юртбошимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, "Хар қайси давлат, хар қайси миллат, аввало, ўз фарзандларига қўйса, уни-ўсиб келадиган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоеъ этадиган, унинг азалий орзу-интилишини рўёбга чиқарадиган буюк кучни қўради".

Республикамизда ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ёшларга оид сиёсатнинг конституциявий ҳуқуқий асослари яратилган ва у амалга оширилиб келинмоқда. Конституциямизнинг бирор-бир моддаси йўқки, ёшлар ҳуқуқлари ва манфаатлари билан боғлиқ бўлмаса. Конституциямизнинг муқаддима қисмидаёқ бунга алоҳида урғу берилди, яъни "ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда" деган иборанинг келтирилиши конституцияга келажак авлод, ёшлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда қабул қилинганлигини билдиради.

Мустақиллик йилларида ёшларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш борасида амалга оширилган улкан ишлар ҳозирги вақтда ўз мевасини бермоқда. Ўзгаришларнинг ҳуқуқий ҳимояси, ёшларнинг таълим-тарбияси, меҳнати ва бандлигига оид қонун ва қонуности ҳужжатлари ижрога қаратилиб, қобилиятлари, интилишлари, орзу-мақсадлари рўёбга чиқиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Қонунлар билан кафолатланган ҳуқуқларини тасарруф этаётган ёшларимиз тараққиётнинг олдинги сафларида боришмоқда.

Истиқлолнинг дастлабки

Эртанги кунимизнинг



қунлариданок, жамиятнинг "инсон — жамият — давлат" тарзидаги янги мазмун-моҳиятининг конституциявий асоси белгиланганлиги ҳам эътиборга молик. Негаки, дастлаб инсоннинг иродаси, кейин жамиятнинг иродаси ва сўнгра давлат иродасининг ифодаланиши умумбашарий демократиянинг муҳим талабларидандир. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ёшлар сиёсати давлат сиёсатининг устувор йўналиши, дея эътироф этилди. Истиқлолнинг дастлабки пайтларидаёқ, 1991 йилнинг 20 ноябрида республика ёшларининг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ёшларга оид сиёсатини ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш мақсадида "Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсонпарварлик моҳияти яна шунда намоеъ бўладики, мазкур асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда жамиятнинг асосий бўғини сифатида оилага алоҳида эътибор берилган ва оила муносабатлари алоҳида бобда таърифланган (XIV боб). Унда оила жамияти ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланади.

Асосий Қонуни-мизда белгилаб берилган ва кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларнинг деярли барчаси ёшларга тааллуқлидир. Зеро, ёш авлодини ижтимоий ва маънавий жиҳатдан асраб-авайлаш, билимли қилиб тарбиялаш, саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳавфсиз ва қулай меҳнат шaroитларини яратиш мамлакатимиз ўз олдига қўйган юксак вазифалардан бўлиб ҳисобланади. Ёшлар ҳам жамиятнинг бошқа вақиллари қатори фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгадирлар (Конституциянинг 29-моддаси). Конституциянинг 31-моддасига мувофиқ улар учун ҳам виждон эркинлиги тўла кафолатланади. Конституциямизнинг 41-моддасида эса, билим олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, бепул умумий таълим

олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидандир. Шахснинг билим олишга бўлган ҳуқуқи Конституция асосида қабул қилинган бир қатор қонунларда, шу жумладан, "Таълим тўғрисида"ги Қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

Ёшлар ўз салоҳиятларидан эркин фойдаланишга, ўз иқтидор ва истеъдодларини тўла намоеъ этишга ҳақлиқларлар. Уларга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади (Конституциянинг 42-моддаси). Қонун билан белгиланган ёшга етган, уларнинг сиёсий ҳуқуқлари доираси янада кенгайди. Конституциянинг 34-моддасига биноан улар касба уюшмаларига, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳамда оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқларини тасарруф этадилар.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ёшларнинг ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларидаги ҳуқуқлари Конституция асосида қабул қилинган кўп сонли махсус қонунлар билан ҳам таъминланади. Таълим тўғрисида, тадбиркорлик, меҳнатга оид, жамоат бирлашмалари, виждон эркинлиги, жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонунлар шулар жумласидандир. Бу қонунлар ёшларимизга нафақат бошқалар билан тенг ҳуқуқли бўлишни, балки кўпгина имтиёзлар ва қўшимча кафолатларни ҳам ҳавола этади.

Ёшлар ҳуқуқларини тасар-

Махлиё БЎСОНОВА,
ТДЮИ талабаси

руф этиш билан бирга Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган бурч ва мажбуриятларини бажаришлари лозим. Хусусан, Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга (48-модда), шунингдек, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлашга мажбурдирлар (Конституциянинг 49-моддаси). Ёшлар ҳам аълоқ табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари шарт. Конституциямизнинг 52-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Албатта, бу бурчларни бажаришни тенгдошларимиз, ёшларимиз шараф деб билишади.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, биз янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлидаги излантиришимизни, ўзгаришларни қимларгадир яхши кўриниш учун эмас, балки аввало, халқимиз манфаатларига тўла жавоб бергани учун амалга оширмоқдамиз. Ёшларимиз учун имкониятларни ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини қанчалик кенгайтирсак, келажакимиз учун шунчалик мустаҳкам пойдевор яратган бўламиз. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажакимиз, балки бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир".

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ҳамда Фарғона вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси

Ҳамидулло ҲАМРОЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Бош прокуратура бўлим бошлиғи Нурилла ЖАББАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy G'OIPOV
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Shavkat YODGOROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va ulariga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko' chibir bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat material.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-5125 46 347 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terilgi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Nashrbatchi muharrir: F.YODGOROVA
Muasbihi: M.QAMBAROV
Nashrbatchi: O.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 18.00.
Topshirildi: 17.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa jidoyi uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot va
axborot agentligida 2009-yl
12-oktabrda 0188-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

